ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

11 октябрь, шанба 1997 йил №119 (469)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейи тантаналарига ҳам саноқли кунлар қолди. Мазкур қадимий шаҳарларимизда байрам тадбирларини юксак савияда ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

10 октябрь куни Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоларидан бир гуруҳи Бухорога келди. Улар тантаналарга тайёргарлик ишларининг бориши билан танишдилар.

Бош режиссёр Б. Йўлдошев театрлашган томоша хусусида ахборот берди. Уни янада такомиллаштириш юзасидан республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш юзасидан мутасадди раҳбарларга кўрсатмалар берилди.

Муҳокамада Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов қатнашди.

(ЎзА).

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Қадрли дўстлар!

Сизларнинг барчангизни пахта тайёрлаш йиллик режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарганингиз билан чин дилдан табриклайман!

Сиз азизларнинг бу меҳнат зафарингиз, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш борасидаги ютуқларингиз, аввалambор, бугунги ҳаётимизда эркинлик ва ижодкорлик руҳи ҳар бир хоразмликнинг иймон-эътиқодига, умр мазмунига айланиб бораётгани, одамларнинг дунёқараши, ерга ва мулкка муносабати тубдан ўзгараётганидан ёрқин далолат.

Ҳалол меҳнатингиз, пешона терингиз эвазига бунёд этилган 290 минг тонналик пахта хирмони нафақат вилоятнинг, балки бутун Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган Хива шаҳрининг 2500 йиллик тантаналарига энг муносиб тўёнадир.

Хоразмнинг табиий шароити мураккаб эканлиги яхши маълум: қиши қаҳратон, ёзи жазирама, тупроғи шўрхок. Сувининг ҳар бир томчиси ҳисобли. Шундай бир шароитда меҳнат қилиш, юқори ҳосил олиш, мамлакатда биринчи бўлиш замирида сизлардги матонат, тадбиркорлик, ватанпарварлик каби ўзбекона фазилатлар мужассам.

Азиз хоразмлик дўстларим!

Ўз фаолиятингиз мисолида астойдил меҳнат қилган одам турмушини ҳам, юртини ҳам обод қилиши мумкунлигини яна бир бор исбот этганингиз катта эътиборга сазовор.

Сиз деҳқончиликда ота-боболаримиз қўллаб келган удумларни тиклаш, янгиликка интилиш асосида ўзига хос академия яратдингиз. Ишончим комилки, илғор иш тажрибангиз мамлакатимизда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги ислоҳотларида мактаб вазифасини ўтайди.

Барчангизни меҳнат зафарингиз билан яна бир бор муборакбод этаман. Хонадонингиздан тинчлик-асойишталик, файзу тароват аримасин! Умрингиздан барака топинг!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Биз, жонажон республикамиз мустақиллиги шарофати билан сизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида, «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги фармонларингиз ҳамда гўзал диёримиз ёшларининг илм-фаннинг барча соҳалари бўйича дунёдаги илғор мамлакатлар ёшлари билан беллаша оладиган даражада билим олишига кўрсатаётган мунтазам эътиборингиз ва ғамхўрлигингизни ҳис қилиб турибмиз. Уларга жавобан меҳрибон устозларимиз ёрдамида жаҳон фан олимпиадаларида она Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдик. Илк қалдирғоч сифатида республикамиз мактабларининг 33 нафар тенгдош уқувчилари биргаликда Аргентина, Голландия, Грузия, Польша, Чехословакия, Туркия давлатларида математика, физика, биология, кимё ва экология бўйича ўтказилган бир қатор олимпиадаларда иштирок этиб, 10 та олтин, 4 та кумуш, 17 та бронза медалларини ва 3 та юқори даражали дипломларни қўлга киритдик.

Халқаро олимпиадаларда энг юксак натижалар кўрсатган ўн икки нафар 11-синф уқувчилари Сизнинг фармонингизга мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, имтиёзли қабул қилиндилар. Бошқа қатнашчилар умумтаълим мактабларда уқишни давом эттирмоқда.

Биз қайси мамлакатда, қайси фан бўйича мусобақаларда иштирок этмайлик, азиз Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилаётганимизни бир лаҳза ҳам ёддан чиқармадик. Зеро, олимпиада топшириқларини ечиш жараёнида қаршимизда турган гўзал байроғимиз ортимизда Ватанимиз шаъни борлигини доим эслатиб турди.

Юртимизда 1 октябрь куни биринчи марта умумхалқ байрами сифатида нишонлангани Уқитувчилар ва мураббийлар кунида биз ҳам иштирок этдик. Бундай байрам билишимизча, дунёда фақат бизнинг мамлакатимиздагина ўтказилди ва у зур кўтаринкилик вазиятида нишонланди. Тошкентда бўлганимизда муҳташам Амир Темур музейида, санъат ва маданият кошоналарида бўлдик. Ниҳоятда гўзал пойтахтимиз борлигидан фахрландик, қалбимиз ғурурга тўлди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Мамлакатимиз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигингизни биз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз — бу ғамхўрлик ва яратилаётган шароитларга муносиб маънавий етук, маърифатли, зукко ва фидойи фарзандлар булишга сўз берамиз.

Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг!

Ўзбекистон республикасининг халқаро олимпиадаларда иштирок этган ва ғолиб чиққан бир гуруҳ ўқувчилари:

Файзулла ШОИСМАТОВ, Шерзод МАДРАҲИМОВ, Фарруҳ ҚОРАБОЕВ, Константин СТРОКОВИЧ, Ҳаёт ҲАЛИМОВ, Шаҳриёр ТУРҒУНОВ, Ориф МЕЛИБОЕВ, Игорь ИВАНОВ, Алишер РАҲМОНОВ, Евгений КИМ, Павел МАНЕНКОВ, Қаҳрамон АСЛОНОВ, Нодирбек ҲУСАИНОВ.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Япония Шимолий Кореянинг қурғоқчиликдан азият чекаётган аҳолисига 27 миллион сўмлик гуруч билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қарор қилди. Шимолий Кореянинг аҳолиси бир неча йилдан буён қурғоқчилик оқибатида очарчиликни бошдан кечирмоқда.

* * *

Куба ҳукуматининг бошлиғи Фидель Кастро нутқ сўзлар экан, АҚШни мамлакатига қарши иқтисодий уруш олиб бораётганликда айблади. У маълум воқеа-ҳодисалар оқибатида Куба халқаро майдонда нисбатан яккаланиб қолганлигини қайд этди.

* * *

Гамибияда йўловчи тайёра ҳалокатга учради. Тайёра йўловчиларининг орасида сайёҳлар билан биргаликда европалик дам олувчилар ҳам бўлган.

* * *

Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху Фаластин раҳбари Ясир Арафат билан учрашди. Учрашув чоғида Яқин Шарқ танглигини ҳал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Икки раҳбар ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида ҳаракат қилаётган бир пайтда Исроил парламенти Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмида яҳудийлар учун турар-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қарорни маъқуллаган.

* * *

Германия ва Чехия ўзаро чегарадан ўтиш тартибини соддалаштиришга келишиб олдилар. Унга биноан ўзаро чегарада жойлашган йигирма тўрт божхона бўлимларида юк машиналари бундан буён узоқ туриб қолмайдиган бўлди. Бу тадбир икки мамлакатнинг алоқалари нисбатан кенгайишига туртки беради, деб умид қилинмоқда.

* * *

Бу йилги адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти италиялик таниқли драматург Дарио Фуга насиб этди. Етмиш баҳорни қаршилаган сатирик ёзувчи айни пайтда театр актёри ва режиссёри ҳисобланади.

Жаҳон ахборот агентликларининг материаллари асосида

ИШ УНУМИ – ИНТИЗОМДА

ПАХТА — 97

Деҳқончилик учун ҳар томонлама қулай келган йил камдан-кам бўлади. Шунга қарамасдан пастдарғомлик пахтакорлар ҳам кўзланган мақсадга етмоқ учун астойдил интилишади. Айниқса, бу йил уларнинг шиддати, шижоати баланд. Шу кунларда туманда кунига йиллик режанинг 3-4 фоизи миқдорида пахта терилиб, давлат хирмонларига тўкилаяпти.

— Бундай юқори суръатларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг пахта теримини ташкилий ўтказишга доир қарори ва шунга асосан туман ҳокимлиги ишлаб чиққан тадбирларнинг бажарилиши муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Пастдарғом туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Мамадалиев, — далада иш ва дам олиш шароитлари яратилиши, терилган пахтани вақтида топшириш, теримга белгиланган муддатларда ҳақ тўлаш каби муҳим масалалар туман ҳокимлигининг доимий назоратида. Бундан ташқари, ҳашарчилар ўртасида мусобақа ташкил этилиб, ҳар ўн кунда якунланмоқда. Далада ишлаётганларга кўчма савдо, тиббиёт хизмати, маиший хизмат кўрсатилмоқда.

Шулар туфайли тумандаги «Он ҳазрат» мустақил деҳқон хўжалиги, С. Турсунов номли жамоа хўжалигининг Ж. Эгамбердиев, «Янгиобод» жамоа хўжалигининг С.Нормўминов бошлиқ бригадалари 25-35 центнердан ҳосил олишиб, режани уддалашди. Илғорлар сафи кун сайин кўпаймоқда. Туман ҳокимининг ўринбосари билан суҳбатни якунлаб, «Янгиобод» хўжалигига йўл олдик. Бу хўжаликнинг экин майдонлари Қумтепа даштлари бағрида жойлашган. Хўжалик раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Элибой Таниев мана шу қақроқ ерларга илк кетмон урганлардан. У киши тенгдошлари ва фидоийлар билан ун етти йил муқаддам бўз ерларни ўзлаштириб, ишни бригадирликдан бошлаган. Шунинг учунми, унга далалар қадрдон бўлиб қолган. Ҳар бир ернинг хусусиятини яхши билади. «Янгиобод» жамоа хўжалигининг ўзи эса яқиндагина ташкил топди. Унинг ҳудудида қишлоқлар ҳали қад ростлагани йўқ. Фақат четдан келиб меҳнат қилишади. Шунга қарамай, 285 гектар ерга чигит қадалиб, мўл ҳосил яратилди. Ҳозиргача режалаштирилган ҳосилнинг 800 фоиздан зиёдроғи териб олинди ва юқори навларда сотилди. Кунлик суръат 5-7 фоизга тўғри келаяпти. Теримда ҳар куни жамоанинг 120 аъзоси, 330-350 ҳашарчи иштирок этмоқда. Ҳар беш кунда терилган пахтага ҳақ тўланиб, бундан ташқари мой, сабзавот, картошка тарқатилмоқда. Ун кунлик мусобақа якунига кўра Ф.Суровонова, С. Мажидова, Қ. Бекмаматова каби теримчиларга, И. Шомуродова, Г. Худойқулова, Р. Муродқулова сингари ҳашарчиларга 1000-2000 сумдан мукофот берилди. Мавсум якунида эса энг илғорларга қимматбаҳо совғалар атаб қўйилган.

«Янгиобод» жамоа хўжалиги пахтакорлари теримни 20 иш кунида якунлашни мўлжалашган эдилар. Улар яқинда туманда биринчи бўлиб режани бажардилар. Яна бир гап. Хўжалик раисининг таклиф-сурови билан чўл шароитида 20 гектар майдонда чигит плёнка остига экилди. Натижа ҳозирча ёмон эмас. Биринчи теримдаёқ ҳосилдорлик 36 центнерга тўғри келди. Умуман, гектарига 42-43 центнер булиши кутилмоқда.

Худди шу каби тумандаги «Қумтепа» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам марра сари дадил интилишмоқда. Бу ерда кунига 30-40 тонна, ёки йиллик режанинг 5-6 фоизи миқдорида пахта териб олинаяпти. Хўжалик раиси М. Рузиқуловнинг таъкидлашича, бу йил пахтанинг ўзидан 12 млн. сум фойда олиш кўзда тутилган.

Хуллас, Пастдарғом тумани пахтакорлари терим мавсумида вилоятда илғорлар сафида боришмоқда. Теримда ҳар куни деҳқонлар билан бирга 3 мингта яқин ҳашарчи қатнашаяпти. Ишчи кучи етишмайдиган хўжаликларда 20 та терим машинаси унумли ишлатилаяпти. Пахтакорларга хизмат кўрсатиш, шароитини яхшилаш, рағбатлантиришда туман касаба уюшма қўмиталарининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Мақсад ва ҳаракатлар бирлиги эса доимо иш унумини таъминлайди.

Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ОҚ ОЛТИН»ЛИКЛАР ДАЛАСИДА

Тўлқинбой Нурматов бошлиқ звено далаларида ўзгача файз, ўзгача тароват. «Андижон технологияси» асосида плёнка остига экилган 8 гектарлик майдонда пахталар бадрақдек бўлиб очилган. Фотимахон Аҳмедова, Мастурахон Тошболтаева, Дилоромхон Нурматова, Ҳидоятхон Тошхўжаева, Майрамхон Охунова каби чевар теримчилар кунига 180-200 килограмм дурдона териб, бригада хирмонига қут-барака киритмоқдалар.

— Жорий йилда ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштиришни кўзлаб меҳнат қиляпмиз, — деди звено бошлиғи Тўлқинбой Нурматов. — Кўриб турганингиздек, далаларимизда ҳосил мўл.

Биз ҳикоя қилаётган Тошлоқ туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигида Ғофуржон Мамажанов бошлиқ бригада аъзолари пахта йиғим-теримида хўжаликда олдинда боряпти. Маликахон Ҳайитова, Отикахон Абдуллаева каби илғорларнинг ҳар бири кунига хирмонга 170-200 килограммдан пахта тўкишмоқда. Теримчиларга яратилган шарт-шароитдан беҳад мамнун бўлдик. Дала шийпони дид билан безатилган. Кунига чой, овқат тайёрлаб берилмоқда. Ҳамширалар тез-тез келиб туришади.

— 540 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштиришга азму қарор қилганмиз, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муллажон Шокиров. 220 гектар ерга плёнка остига чигит экканмиз. Айни кунларда пахтани тезроқ йиғиб териб олиш чораларини кўраяпмиз.

— Инсон манфаатлари йилида, меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга катта эътибор бераяпмиз, — дейди жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг раиси Мақсудахон Турғунова. — Далада 800 нафардан ортиқ теримчи ишламоқда. Уларнинг унумли меҳнат қилишлари, маданий дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бераяпмиз. Мавжуд 21 та дала шийпони жиҳозланди, бепул иссиқ овқат ташкил этилган. 1 та доимий ва 10 та мавсумий болалар боғчаси ишлаб турибди.

Ҳа, хўжалик аъзоларининг диққат-эътибори катта меҳнат эвазига етиштирилган пахтани тезроқ йиғиб-териб олишга қаратилган. Ҳиммати баланд, меҳри дарё «Оқ олтин» жамоа хўжалиги меҳнат аҳлига «инсон манфаатлари йили»да омадлари кулиб боқаверсин деймиз.

Аҳмаджон ТУХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда:

Илғор теримчи Майрамхон Охунова кунига 180 кг пахта теряпти.

«Оқ олтин» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитаси раиси Мақсудахон Турғунова, илғор теримчи Ҳидоятхон Тожихўжаева билан пахта сифатини кўздан кечиришаяпти.

Олег ПОШЕВНИНГ
суратлари.

«ИШОНЧ» МАҚОЛАЛАРИ ИЗИДАН

«ҚАЧОН КЕЛАР ГАЗИМИЗ...»

«Ишонч» газетасининг 1997 йил 22 июндаги «Қачон келар газимиз» номли мақоласи мутассадди ташкилот раҳбарлари билан биргаликда жойида ўрганиб, муҳокама қилинди.

1991-1997 йиллари С. Азизов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги қишлоқларда 21,11 км. газ қувурлари тортилди. Шу жумладан «Қирққетмон» қишлоғида 2,7 км. газ қувури фойдаланишга топширилди. Қишлоқнинг қолган қисмини газлаштириш учун 5 тонна труба келтирилади. Бу иш хўжалик йили якунлангач, олинган фойда ҳисобидан амалга оширилади.

«Қирққетмон» қишлоғи газлаштириш ишини назорати туман ҳокимияти зиммасига юклатилди.

К. САЛОҲИДДИНОВ,
Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Қирғизистон Президенти А.Акаев «Сув ҳавзаларидан фойдаланиш ҳақида» фармон қабул қилди. Маълум бўлишича, республика ўз ҳудудидаги сув зонасининг 20 фоизидангина фойдаланар экан. Қолгани эса қўшни республикалардан оқиб ўтади. Бу вазият юқоридаги фармонни қабул қилишга асос бўлган. Бироқ республика ҳукумати сув нархини ҳали белгиламаган ва бу фармон қачондан бошлаб кучга кириши номаълум.

***

Би-Би-Си радиосининг берган хабарига қараганда Қозоғистонда туғилиш борган сари камайиб бормоқда. Агар 1958 йили ҳар минг киши ҳисобига туғилиш 47 тага тўғри келган булса, утган йили бу рақам 20 тага тушиб қолган.

***

Тожикистондаги аҳвол ҳали ҳам яхшиланмаяпти. Ҳукуматга қарши гуруҳлар мамлакатдаги сиёсий вазиятни нормаллашувига турли йўллар билан қаршилик кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам яраш комиссиясининг раҳбари Саид Абдулло Нурий ўз ихтиёридаги 200 кишисини ҳукуматга қарашли кучлар билан жиноятчи тўдаларга қарши биргаликда кураш олиб бориши мумкинлигини таклиф қилган.

КЎНГИЛГА ЯҚИН ДИЁР

Эътироф



Элчилик ваколати тугаши муносабати билан Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Стенли Туэмлер Эскудеро матбуот анжумани ўтказди. У мухбиримизнинг бир қанча саволларига атрофлича жавоб берди.

— Жаноб Эскудеро, бугунги кундаги Ўзбекистон — Америка муносабатларини қандай баҳолайсиз?

— Энг аввало, икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларининг ўта муваффақиятли ривожланаётганини таъкидлашим керак. Иқтисодий соҳаларда ҳам, сиёсий жабҳада ҳам, қўйингки, барча йўналишларда самарали ҳамкорлик қилмоқдамиз. Яқинда Ўзбекистонга АҚШ Президенти рафиқаси Хиллари Клинтон хонимнинг ташрифи булади. Ўйлайманки, бу ташриф икки томон муносабатларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорликни тобора кучайтириб бориш тарафдоридир. Чунки Ўзбекистонни Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаган, минтақа давлатлари орасидаги энг барқарор мамлакат деб биламиз. Шу сабабдан ҳам АҚШ сармоялари Ўзбекистонга узлуксиз келиб турибди, бизнинг тадбиркор ва ишбилармонларимиз, молиячи ва иқтисодчиларимиз юртингиз бозорига дадил кириб келмоқдалар. Ўзбекистон ҳукумати жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама алоқаларни кучайтиришга, жаҳон бозоридан муносиб урин эгаллашга интилмоқда. Бу, айниқса, Америка ҳукуматини мамнун этади. Бу йулда АҚШ Ўзбекистонга ҳамиша мададкор ва кўмакчи бўлиб қолади.

— Сиз Ўзбекистонда бир неча йил истиқомат қилдингиз, шу давр мобайнидаги мамлакатимиздаги ўзгаришлари, хусусан, демократик ўзгаришлар жараёнини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистонда ўтказилган йилларим давомида шу нарсага амин бўлдимки, давлатингиз ҳукумати жамиятни демократлаштириш борасида олган мажбуриятларини огишмай амалга оширди. Ўзбекистон раҳбарияти тараққиётнинг жуда тўғри йўлини танлаб олган, яъни туб ислоҳотларни босқичма-босқич олиб боради.

Сизлар аввал мустақил давлатчилик асосларини яратдингиз, кейин иқтисодий ривожланишга қадам қўйдингиз, мана энди демократик институтларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш йўлидан бормоқдасиз. Ана шу уч нарса бирлашиб, мамлакат барқарорлигига хизмат қилмоқда. Демак, қилинаётган ишлар ҳозирдаёқ уз самарасини, бошқача айтганда меваларини бермоқда. Узбекистонда демократик ислоҳотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Бу ерда демократик институтлар фаолият кўрсата бошлади, айниқса, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя қилиш бобида жуда кўп ишлар қилинди. Ишончим комилки, Узбекистон туб иқтисодий, сиёсий ва демократик ислоҳотлар йулида ҳали бундан ҳам кўп ишлар қилади. Бу кетишда Узбекистон жаҳондаги қудратли ва тараққий этган ҳуқуқий давлатлар даражасига кутарилади.

— Маълумки, Узбекистон бир қатор халқаро масалаларни ҳал этиш борасида ҳам ташаббуслар кўрсатиб келмоқда. Хусусан, хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш бобида давлатимиз ҳукумати кўплаб саъйи ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бунга шахсан Сизнинг ва АҚШ раҳбариятининг муносабатингиз қандай?

— Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда Узбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни кучайтириш соҳасида энг кўп куч сарфлаётган давлатдир. Узбекистон минтақавий хавфсизлик масалаларини ечишда халқаро ҳамжамият ҳаракатларида фаол иштирок этмоқда. Айниқса, Афгонистондаги урушни тўхтатиш, тожикларо можароларни бартараф этиш борасидаги аниқ фикр-мулоҳазалари дунё ҳамжамияти, хусусан, АҚШ томонидан юксак баҳоланди. Шахсан узим ҳам давлатингизнинг бу йулдаги саъйи-ҳаракатларини мамнуният билан қабул қилмоқдаман. Яқинда Тошкентда булиб утган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» Халқаро анжуман ҳам Узбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсатини яна бир бор исбот этди. Чунки бу ташаббус ҳам Узбекистон ҳукуматига тегишлидир.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани ташкил этиш ушбу минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё давлатлари буни тушуниб, Узбекистон ташаббусини қуллаб-қувватлаганликлари қувончли ҳолдир. Умуман олганда, Узбекистоннинг ялпи тинчлик ва хавфсизлик йулидаги бундай қадамлари таҳсинга сазовордир.

— Жаноб Эскудеро, Сизнинг элчилик ваколатингиз тугаб, ватанингизга қайтмоқдасиз. Узбекистондан жунаб кетиш олдидан қунглингиздан қандай ҳаёллар кечмоқда?

— Биринчи галда, ушбу гўзал ва ажойиб диёрга яна келиш насиб этсин, деган ният билан кетмоқдаман. Чунки Узбекистон менинг қунглимга яқин диёр булиб қолди. У ернинг бетакрор табиатию гўзал гушаларини, ажойиб одамларини чин дилдан яхши кўриб қолдим. Меҳмондуст, самимий, меҳнаткаш халқингиз билан дустлашиб олдим. Бу юртдан жуда яхши таассуротлар билан кетмоқдаман. Узбекистонда утказилган йилларим ҳаётимнинг энг ажойиб дамлари булиб қолади. Америка Қушма Штатлари ва Узбекистон уртасидаги дустлик, ҳамкорлик, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга озми-кўпми ҳисса қушганимдан ута бахтиёрман. Бу дустлик янада гуллаб-яшнашини, халқларимиз уртасидаги борди-келди қупайишини жуда истардим. Узбекистондан кетиш олдидан бу юртга равнақ ва фаровонлик, халқингизга бахт-саодат, буюк келажак йулида зур муваффақиятлар тилайман.

Хайрулло НУРИДДИНОВ
суҳбатлашди.

Азиз мушта-рийлар!

«Ишонч» газетасига обуна бошланди!

Севимли газетамизни 1998 йил мобайнида ҳам узлуксиз олиб уқишни истасангиз, унга обунани эртароқ расмийлаштиришга шошилинг!

Республикамиз ҳар бир фуқаросининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларига хизмат қилувчи «Ишонч» газетаси ижодий жамоаси келгуси йили ҳам Сиз — азиз юртдошларимиз ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилади. Газетамизнинг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир мақола, хабар, суҳбат, репортажи Сизнинг талаб-истакларингизга мос булишига ишонаверинг.

Бир йиллик обуна бўйича каталог баҳоси:

Якка обуначилар учун - 864 сўм.

Ташкилотлар учун - 1176 сўм.

ЭСЛАТМА: Ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳрида каталог баҳосига алоқа хизмати ҳақи ҳам қушилади.

КАСАБАҚЎМ: БУГУН У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАРКОР

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон республика қумитаси энг йирик оммавий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибида 2 та шаҳар, 15 та туман қумиталари, 726 бошланғич ташкилот бор. Тармоқда меҳнат қиладиган 194774 кишининг 193 ярим минг нафари касаба уюшмаси аъзоларидир.

Жойлардаги қумиталар ва бошланғич ташкилотлар касаба уюшмалари аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйганлар. Бунда Ўзбекистон республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолият кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа ҳужжатларда касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланилмоқда. Жумладан иш ҳақи тўлаш, меҳнат қонунчилиги, ишлаб чиқариш санитарияси, хавфсизлик техникасининг қоида ва меъёрларига риоя қилиш, шартномалар, битимлар тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш-кундалик иш фаолиятига айланган. Шунингдек меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг даволанишлари, дам олишларини ташкил қилиш ҳам касаба уюшмалари диққат марказида.

Мувофиқлаштирувчи кенгашлар битим ва шартномаларнинг бажарилишида ҳам кейинги йилларда ўз фаолиятини анча жонлантирди. Агросанот мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон республика қумитаси амалдаги йилда 9 та вазирлик, концерн, бирлашмалар ҳамда 556 та бошланғич ташкилотлар эса ҳужжатлар, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузди. Унга асосан 310 минг тонна пахта, 346 минг 500 тонна шоли, 89500 тонна кузги, 5748 тонна ёзги бугдой, 14600 тонна гўшт, 40 минг тонна сут, 193 тонна жун, 24900 дона қоракўл тери ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлаш, давлатга сотиш белгилаб олинди. Бу режаларни бажариш учун ҳал қилувчи кураш кетмоқда. Пахта йиғим-терими қизғин давом этаётир. Ҳозиргача ўтган йилга нисбатан салкам 50 минг тонна кўп пахта сотилди.

Қорақалпоғистон шоличилиги учун бу йил ғоят оғир бўлди. Сув танқислиги натижасида шоли экилган 99 минг гектар ернинг 40 минг гектардан кўпроқ қисми қуриб қолди. Деҳқонлар сақлаб қолинган майдонлардаги ҳосилни асло нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олиш учун уюшқоқлик билан ишламоқдалар. Нукус ва Тахтакўпир туманлари хўжаликлари бу борада пешқадамлик қилмоқда.

Оролбўйи минтақаси хўжаликларида баҳорнинг дастлабки ҳосили — пиллачиликда ҳам бу йил яхши натижаларга эришилди. Белгиланган 557 тонна ўрнига 559 тонна «кумуш тола» топширилди. Аммо, пиллачиликда катта тажрибага эга бўлган миришкорлар маскани Тўрткўл туманида бу борадаги шартнома бажарилмади. Шартноманинг бажарилишига бағишланган йиғилишларда эса ана шу қолоқликнинг асл сабаблари таҳлил этилмади. Умуман Қорақалпоғистонда шартномаларнинг адо этилишига бағишланган ярим йиллик, йиллик йиғилишларда баъзи касабақўмлар фақат томошабин ролини ўйнамоқда. Одатда хўжалик раҳбари, иқтисодчи, ҳисобчи ана шу йиғилишларда шартнома бажарилишининг ҳолати тўғрисида ҳисоб беради. Касабақўм раҳбарлари, фаоллари эса ана шу йиғилишларга одам тўплаш билан овора бўлиб қоладилар. Тўрткўл, Кегейли, Чимбой, Нукус туманлари, Тахиатош шаҳри касабақўмлари ҳатто шартномаларнинг бажарилиши бориши тўғрисида ярим йиллик ҳисоботлари тайёрлашни ўзларига эп кўришмади.

Қорақалпоғистон деҳқончилик мажмуи касабақўмлари фаолиятига назар ташлар экансиз, маданий-маиший шароитлар яратишда уларнинг ҳаётдан орқада қолаётганини гувоҳи бўласиз. Бундан 5-6 йиллар олдин гавжум бўлган клублар, кутубхоналар ойлаб, ҳатто ярим йиллаб ишламайди. Маблағ йўқ деган баҳона билан болалар боғчалари ҳам ёпиб қўйилди.

Меҳнаткашларга ўз вақтида меҳнат ҳақи бериш масаласида ҳам касабақўмлар бирор самарали иш қилишдан ожиз бўлиб қолаётир.

Хавфсизлик техникасининг қоида ва меъёрларига ҳамиша ҳам риоя қилинмаётир. Амалдаги йилнинг ўтган даврида техникавий инспекция томонидан 70 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги ташкилотлари кўздан кечирилди. Натижада мингдан ортиқ хатокамчиликлар, нуқсонлар аниқланди. 30 нафар мансабдор шахсларга жарима солинди. Масалан, Хўжали туманидаги «Қорақалпоғистон», Беруний туманидаги «Олтғабос», Бекир Каримбердиев номидаги хўжаликларда ҳавфсизлик техникасининг қоидаларига риоя қилинмасдан, уни қўпол равишда бузиш ҳоллари содир этилган. Шунинг учун ҳам ана шу хўжалик раҳбарлари Б. Жанаберганов, С. Қўчқорбоев ишдан олиб ташланди.

— Изчил иш олиб боришимизга қарамасдан жойлардаги мутасаддилар, касабақўмлар фаолиятсизлиги сабабли бахтсиз ҳодисалар камаймаётир — дейди деҳқончилик мажмуи касаба уюшмаси Қорақалпоғистон республикаси қумитаси техникавий инспектори Қозоқбой Бобожонов, — Амударё туманидаги «Амударё» асаларичилик хўжалиги, «Қуролпа» деҳқончилик ижара уюшмаси, Беруний туманидаги «Олтғабос» хўжаликларида техника хавфсизлигига риоя этилмаслиги оқибатида бахтсиз ҳодисалар юз бериб, бир неча киши ҳаётдан барвақт кўз юмди.

Ўмуман Қорақалпоғистон республикаси овулларида касабақўмлар фаолияти сусайиб кетди. Яқинда ўз ишини тамомлаган Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси мажлисида таъкидлаганидек, касаба уюшмаларининг ўрни билинмаяпти. Бунинг яна қандай сабаблари бор? Биз шу савол билан Қорақалпоғистон деҳқончилик мажмуи касаба уюшмалари қумитаси ташкилий бўлим мудири Тоҳир Алиевга мурожаат қилдик.

— Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор, — дейди Тоҳир Алиев. — Жойларда ташкилотчилик ишлари сусайтириб юборилди. Барча касабақўмларнинг молиявий аҳволи ғоят ёмонлашди. Фаолларни тарбиялаш, уларни қайта тайёрлаш ишлари ўзи буларчиликка ташлаб қўйилди. Уларни ўқитиш ишлари тўхтаб қолди. Олдинлари касабақўм раислари, айрим йирик ташкилотлар фаоллари ўқуви бўлар эди. Уни қайта тиклаш керак деб ўйлайман.

Ҳа, барча тармоқ касабақўмларида бўлгани каби деҳқончилик мажмуи касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларида ҳам ишни бутунлай қайта кўриб чиқиб, ҳар бир касабақўмнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига эришиш — бу шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир!

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

Долзарб мавзу

ҚИШ ЯҚИНЛАШЯПТИ - НИМАЛАР ҚИЛИНДИ?

Маълумки, кейинги пайтларда ҳаво кескин ўзгариб, совий бошлади. Демак қиш эшик қоқмоқда. Қишнинг эса қаҳри қаттиқ. У ҳеч кимни аямайди. Ҳали вақт эрта деб кутиб ҳам турмайди. Хўш, нима қилиш керак? Албатта, қиш ғамини барвақт кўрмоқ даркор. Яқинда касаба уюшмалари Қашқадарё вилояти кенгашининг меҳнатни техник назорат қилиш бўлимининг бир гуруҳ ходимлари вилоятнинг баъзи тармоқларида ана шу қиш мавсумига тайёргарликнинг боришини текширувдан ўтказдилар. Текширув натижалари касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раёсат йиғилишида муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди.

Биз ана шу текширув рейди раҳбари, меҳнатни техник назорат қилиш бўлими бошлиғи Ражаб Кенжаев билан учрашиб, мулоқот қилдик. Қуйида ушбу мулоқот мазмуни билан танишасиз.

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

- Ражаб ака, аввало касаба уюшмалари вилоят кенгашининг бу хайрли ишга алоҳида эътибор бериши барчага маълум. Дастлаб текширувни қаердан бошладингизлар?

- Ўринли савол. Дастлаб кузатувни вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармасидан бошладик. Чунки, қозонхоналарнинг асосий қисми шу ерда. Бу ерда 62 та қозонхона бўлиб, унинг 51 таси мавсумга шай қилинган. Мукаммал таъмирга мўлжалланган 6 та қозонхонадан 4 таси яъни кичик қувватлиси таъмирланган. Қарши шаҳридаги 1- ва 2-қозонхоналар тўлиқ ишлаш қувватига эга. Бироқ бошқармада иссиқлик қувурларини синовдан ўтказиш ишлари ўта суст. 5 километр масофадаги иссиқлик қувурларини изолация қилишга киришилмаган. Туз ва суюқ ёқилғи захираси жамғарилмаган. Шамол берувчи механизмлар етишмайди. Иссиқлик қувурларини жорий таъмирлаш учун 1416 метр узунликдаги қувур талаб этилади. Бироқ у йўқ.

Қиш ойларида аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишлари ҳам шу кун талаби даражасида эмас. Бу ишни вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси ходимлари бажариши керак. Бошқарма бўйича 126 километр масофадаги ичимлик суви қувурларини тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган. Умумий фойдаланишдаги 42 дона жўмраклар таъмирлашга муҳтож.

Вилоят газ бошқармаси жамиятида ҳам бир қатор камчиликлар мавжуд. Катта узунликдаги газ қувурлари таъмирдан чиқмаган. Ҳанузгача 27367 хонадондаги дудбуронлар текшириб кўрилмаган. Аҳолини суюлтирилган газ билан доимий таъминлаш масаласи ҳам ҳал этилгани йўқ. 1997 йил учун 1980 тонна суюлтирилган газ талаб этилади. Заҳирада эса бу миқдордаги газ йўқ.

-Айтинг-чи, аҳоли яшайдиган уй-жойларда қишга тайёргарлик қанақа?

- Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ихтиёрида 1120 та уй бўлиб, шундан 851 таси марказий иссиқлик қувурига уланган. Аммо 12 та уйнинг ички иситиш тармоқлари, 4 та уйнинг томи ҳанузгача тўла таъмирланмаган. Қарши шаҳридаги 3-уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли уйларнинг кириб-чиқиш жойларидаги дераза-ларга ойна қўйилмаган. Айримларида эшиклар мутлақо йўқ. 2-уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли уйларнинг кириб-чиқиш жойларидаги дераза-ларга ойна қўйилмаган. Корхонага қарашли 2-уйнинг юқори қаватларига совуқ сув чиқмайди. 54-,55-,56- уйлардаги баъзи хоналар мутлақо исимайди. Шаҳардаги 5-уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхонасига қарашли 1- ва 20-уйларнинг юқори қаватидаги хонадонлар исимайди. Совуқ сув чиқмайли. «Шўртангаз» газ конлари бошқармасига қарашли уйлар қозонхонадан келадиган иссиқлик қувватининг камлиги учун етарли иситилмайди.

- Корхона ва ташкилотларда қишга ҳозирлик ишлари қай даражада ташкил этилган?

- Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 80 та тиббиёт муассасидан 68 таси таъмирланган. Сил касалликлари диспансерида ички иситиш тармоқларини таъмирлаш ишлари бажарилмаган. Кўпгина дераза-ларда ойна йўқ. Болалар ва оналар шифохонасида ҳам аҳвол юқоридагидан яхши эмас. Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли бинолар қиш мавсумига тўлиқ ҳозирланмаган. Қарши шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 15, 16, 18, 19, 25, 40- мактабларнинг томлари таъмирлашга муҳтож. Бундай мисолларни яна анча келтириш мумкин.

- Ражаб ака, мулоқотдан шу нарса маълум бўлдики, вилоятдаги кўпгина корхона ва ташкилотлар қиш мавсумига мутлақо тайёр эмас. Сиз буни қандай баҳолайсиз?

- Очиғи, бу аҳволни корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига ҳам айтганмиз. Улар асосий сабаб қилиб маблағ етишмовчилигига тақашмоқда. Лекин баҳона билан иш битмайди, имконият қидириш керак. Ички шароитдан келиб чиқиб, қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриш лозим. Юқорида таъкидланганидек, қиш кутиб турмайди. Шу боис қиш ғамини ҳозирдан кўрмоқ шарт. Биз гуруҳимиз билан кўрган жойларимизни яқин кунларда яна қайта текширувдан ўтказамиз. Ўйлаймизки, мутасадди ташкилотлар танқидимиздан тўғри хулоса чиқаришади.

Суҳбатдош: Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Таҳририятдан: Ҳақиқатан ҳам ҳадемай қиш эшик қоқади. Уни пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ҳар бир корхона, муассаса, меҳнат жамоаси раҳбарининг муҳим бурчидир. Биз юқоридаги мақола билан қиш яқинлашаётганидан мутасадди раҳбарларни огоҳлантириб қўяяпмиз.

Вақтида кўрилган чора-тадбирлар қиш шароитида ҳам бир хилдаги меҳнат маромини таъминлайди, қиш шароитида меҳнаткашлар саломатлигига ҳам пухта замин ҳозирланади.

Касаба уюшмаси ва мусобақа

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Уйчи туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигининг ер майдонлари нукул қир-адирликлардан иборат. Бу деҳқону соҳибкорлардан омилкорликни, ҳар бир агротехника тадбирини оби-тобида ўтказишни талаб қилади. Хўжалик миришкорлари бунинг уддасидан чиқмоқдалар. Қиру адирлар бағрида мўл-кўл дон, сабзавот-мева етиштирилиб, эл дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшилмоқда.

835 гектар майдондаги экинзор ва боғларда қилинган фидокорона меҳнат бугун ўз самарасини бермоқда. Дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Масалан, 56 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан адир шароитида 37 центнердан ҳосил олинди. Ўрик, олхўри, шафтоли каби мевалар ҳосилдорлиги эса 45-50 центнерни ташкил этди. Режа барвақт бажарилди. Бошқа соҳалар бўйича ҳам марралар барвақт эгалланмоқда.

— Жамоа хўжалигида кўтаринкилик асосида меҳнат беллашувини кучайтириш мақсадида хўжалик бошқаруви Касаба уюшмаси қумитаси рағбатлантириш воситаларидан самарали фойдаланмоқда. Яқинда хўжаликдаги 10 та бригада ўртасидаги меҳнат мусобақасига якун ясалди. Унда узум сотиш режасини туманда биринчи бўлиб бажарган Аҳмаджон Мўминов бригадаси ғолиблик қилди. Унинг бригадасига 5 минг сўм пул, бир бош қўй, бир дона гилам совға қилинди. Ғалла, мева, сабзавот сотишда жамоада иккинчи ва учинчи ўринни олган Маҳмудхўжа Ҳамзаев, Турдиқул Авазбековлар бошлиқ бригадаларгача 3,5-3 минг сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Пудратчилар ўртасидаги мусобақада ғолиб бўлган Зокиржон Насриддинов, Комилжон Набиевларга 2 минг сўмдан пул ва қўй берилди.

Яхши ишлаганларни вақтида рағбарлантириш меҳнат мусобақасини авж олдиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди хўжалик касаба уюшмаси қумитаси раиси Латифжон Жўраев. Бу йил жамоамизда 450 тонна картошка, 310 тонна сабзавот, 740 тонна мева, 1650 тонна узум, 300 тонна пахта етиштириш кўзда тутилган.

Деҳқон ва боғбонларимизнинг бугунги ғайрат-шижоати ишдаги юксак суръатлар, марралар барвақт эгалланишидан дарак беради.

А.ЮСУФБОЕВ

Обуна — 98

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Давр тезкор, дунёда рўй бераётган барча ҳодиса-ю янгиликларни оммага ўз вақтида етказиб беришда матбуот нашрлари — газета-журналларнинг ўрни беқиёс. Буни яхши англаган Сирдарё вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши 1998 йил газета-журналлари обунасига бағишланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар вилоятда обунани уюшқоқлик билан ўтказишга барча имкониятлар борлигини билдирдилар. 2-жаҳон уруши қатнашчилари, камқувватли оилалар ва ногиронларга «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига бепул обуна этишдек хайрли ташаббусга қўл урдилар. Бундай имтиёзли обунани ташкил этишда вилоятдаги барча туманлар касаба уюшма қумиталари ўз улушларини қўшадилар.

«Обуна — 98»га бағишланган йиғилишни вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг раиси А. Муҳаммедов олиб борди.

Хушхабар

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Пахтачи тумани меҳнаткашлари катта зафар қучишди. Удар вилоятда биринчи бўлиб пахта сотиш йиллик режаларини шараф билан уддаладилар. 11.890 гектар майдонлан 34 минг тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 29 центнерни ташкил этди.

Туман ютуғига Ш.Назаров номли, «Навбаҳор», «Оқтепа», Ш.Каххоров номли жамоа хўжаликлари катта улуш қўшдилар. Туман ҳокимлиги ва туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қумитаси терим қатнашчиларининг унумли меҳнат қилишлари ва кунгилли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш учун зарур чора-тадбирлар қуриб, амалга оширдилар. Узаро мусобақага катта эътибор берилди. Ҳар ўн кунда хўжаликлар ўртасидаги мусобақа якунланиб борди. Ғолиб хўжаликлар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди.

Туман пахтакорлари ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш мақсадида теримни қизғин олиб боришмоқда.

Иқтисодиёт хабарлари

ТОШКЕНТ. Самарқанд шаҳридаги «Парвина» банки бугунги кунда 1 минг 500 нафар юридик шахс ва 1 минг 700 фуқарога хизмат кўрсатмоқда. Яқинда банк Тошкент шаҳрида ўз бўлимини очди. Зарур замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлимда тажрибали мутахассислар хизмат кўрсатаётир. Бу эса мижозлар сафини кенгайтириш, хизмат даражасини ошириш имконини беради.

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида янги дўконлар, чойхона, бошқа савдо ҳамда умумий овқатланиш объектлари тармоғи кундан-кун кенгайиб бормоқда.

Яқинда шаҳарнинг марказий қисмида 150 ўринли «Маъруф» деб номланган янги кафе-бар очилди. Миллий меъморчилик анъаналари асосида безатилган ушбу хизмат кўрсатиш шаҳобчасида пардозлаш ишларини Ҳамид Аҳадов бошчилигидаги Самарқанд усталари амалга оширдилар. Эндиликда ушбу кафе-барда овқатланиш билан бирга мириқиб ҳордиқ чиқариш имконияти ҳам яратилди. Шунингдек, бу ерда аҳоли учун турли тўйлар, юбилей маросимлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун қулай имкониятлар мавжуд.

ФАРҒОНА. Инсон манфаатлари йилида Фарғона вилояти меҳнаткашлари қурувчилари кўплаб янги иншоотларни қабул қилиб олишаётир.

Яқинда вилоят нурчилари ҳам хушманзара Чимён қишлоғида бунёд этилган юз ўринли даволаниш масканини фойдаланиш учун қабул қилиб олишди.

Республикамизда машҳур шифобахш Чимён минерал суви билан ишлайдиган мазкур «Нурафшон» сиҳатгоҳида умуртқа, бўғин, асаб, ошқозон, жигар касалликлари билан хасталанганлар даволанишади. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган янги санаторийда беморларнинг даволанишлари ва дам олишлари учун қулай шароитлар муҳайё.

АНДИЖОН. Сегазақумда битиш арафасида турган АНТЭКС тўқимачилик комплекси ҳам Андижон вилоятида амалга оширилаётган замонавий қурилишлардан биридир.

Бу ерга Италия ва Швейцариядан келтирилган замонавий технология ўрнатилмоқда. Йилига 3 миллион дона тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган бу комплекс маҳсулотлари харидоргир бўлиши шубҳасиздир.

Тадбиркор келгусида бозор фаолитини янада ривожлантириш ниятида.

«САМКОЧАВТО» КАРВОНИ ОРОЛБЎЙИДА

«Самкочавто» узбек-турк қушма корхонасининг 13 та автомашинадан иборат карвони Нукусга етиб келди. Мазкур корхона Самарқанд шаҳридаги автомобилларни таъмирлаш заводи базасида қайта жиҳозланяпти. Бу ердаги конвейерлардан келаси йил сентябрь ойидан эътиборан автомашиналар чиқарила бошланади.

Оролбўйи ҳудудига келган автокарвон таркибида автобуслар, юк ва суюқлик ташувчи автомобиллар, автокранлар бор. Уларнинг барчаси Туркияда ишлаб чиқарилган. Автокарвонларнинг вазифаси — 1998 йили фойдаланишга топшириладиган «СамКочавто» қушма корхонасида ишлаб чиқариладиган автомашиналарни намойиш этишдан иборатдир.

А. ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Ирисой Мавлонова Сайхунобод туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг «Бахтиёр» кичик корхонасида хизмат қилади. Ку корхона аҳолига маиший хизмат кўрсатади. Корхона хизматидан, шунингда Ирисой опа меҳнатидан барча мамнун.

Суратда: И. Мавлонова Н. Алмуродов олган сурат.

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ

Инсонни қадрлаш мезонининг аввали унга ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, яшаш ва иш шароитларини муттасил яхшилаб боришдан иборатдир. Булар ўз-ўзидан бўлмайди. Корхона мунтазам ва барқарор ишлаб турса, фойда олсагина ижтимоий соҳада ҳам муаммолар ҳал этилади. Бу гапларни айтаётганимнинг боиси бор. Чунки бизнинг корхонамиз — Челак пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти ҳам иқтисодий-молиявий қийинчиликларни бошдан кечирди. Янги раҳбар келгандан сўнг унгланиш бошланди. Кейинги уч-тўрт йилда эса барқарор ишлай бошладик.

Ўтган йилги пахта ҳосилидан олинган тола Эрон, Туркия, Германия, Болгарияга сотилди. Олинган фойда ҳисобидан бу йил катта ҳажмдаги капитал таъмирлаш, ускуналарни қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Айни шу тадбирлар жамоа шартномасида назарда тутилган эди. Фақат шу мақсадлар учун йилнинг биринчи ярмида 2 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Пахта қабул қилиш мавсуми арафасида корхона қошидаги ошхона, бўлимлардаги дам олиш хоналари, душхона, бошқа маиший хизмат хоналари тахт қилиб қўйилди. Маъмурият саъй-ҳаракати билан 300 тўплам махсус ишчи кийимлари, 50 тўплам ўт ўчирувчилар либоси, бошқа ёрдамчи воситалар келтириб тарқатилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий эътибор берилаётгани бежиз эмас. Негаки, пахта қабул қилиш мавсуми жуда қисқа давом этади. Иш эса икки сменада ва ниҳоятда тиғиз жадвал асосида давом этади. Шу давр ичида хўжаликлардан 15600 тонна пахта қабул қилиб олиниши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари касаба уюшма қўмитаси иш режасидан тобора кўпроқ жой олмоқда. Фаоллардан иборат комиссия меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини ўрганиб, ҳар ойда касабақўмга маълумотнома тақдим этади.

Тўғриси, бир-икки йил олдин меҳнатни муҳофаза қилиш мавзусида гап очилса, ер чизиб қолардик. Чунки маблағ етишмас, қўпгина тадбирлар қоғозда қолиб кетарди. Узимиз ҳам бирор нохушлик рўй бериб қолишидан хавотирда бўлардик. Энди каттароқ мақсадларни кўзласак бўлаверади.

А. ЁҚУБОВ,
Челак пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти касаба қўмитаси раиси

МУАММОЛАР БИСЁР, ЕЧИМИ-ЧИ?

Ўтган 1996 йили А.Икромов номли очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти Пахтакор туманидаги хўжаликлар билан контрактация шартномаси тузиб, шунга кўра 21 минг тонна пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаб бериш мажбуриятини олган эди. Шартномалар ҳар икки томоннинг ўзаро келишуви асосида тузилди, албатта. Шартнома бўлгач, унинг итоат этадиган мажбуриятлари ҳам бўлиши тайин. Корхона билан ўзаро контрактация шартномаси тузган хўжаликларнинг аксарияти йил охирига келиб йиллик режаларини бажара олмай, мажбуриятга кўрсатилган пахтани қайта ишлаш учун етказиб беролмади. Бунинг оқибатида пахта тозалаш корхонаси ўз олдига қўйилган ишлаб чиқариш режасини бажара олмади. Натижада катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди. Контрактация шартомасининг тегишли бандига кўра ишлаб чиқарувчи корхона қабул қилувчига маҳсулотни етарли миқдорда етказиб бера олмаган тақдирда, маҳсулот ишлаб чиқарувчи етиштириб беролмаган ҳосилнинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаши кўзда тутилган эди. Шунга кўра пахта тозалаш корхонаси хом ашё топширувчиларга ўз талабини етказди. Бунинг оқибатида А.Икромов номли деҳқон-фермер хўжалиги 3 миллион 222 минг сўм, «Юлдуз» хусусий деҳқон-фермер хўжалиги 221минг сўм, «Дустлик» хусусий деҳқон-фермер хўжалиги 178 минг сўм, «Гулистон» хусусий деҳқон-фермер хўжалиги 49 минг сўмлик жаримага тортилди. Бу юридик жиҳатдан ҳаққоний талаб эди. Лекин санаб ўтилган хўжаликларнинг ҳисоб счетларида пулнинг йўқлиги туфайли жарима тўланиши пайсалга солинмоқда.

Пахта тозалаш корхонаси 1995 йилнинг охирларида очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад - энг аввало корхонада меҳнат қилувчи ҳар бир ходимда эгалик ҳиссини кучайтириш, қилган меҳнатининг самарасидан тўлиқ манфаатдор бўлишини таъминлашдан иборат эди. Ҳозиргача 526 минг сўмлик акция фақат корхона ишчи-хизматчилари ўртасида тарқатилган бўлсада, фойда яъни акция эгаларига дивиденд тўланишига унчалик эътибор қилинмаяпти. Корхона бош ҳисобчиси Р.Абдуазимовнинг айтишича, ўтган йил якуни бўйича дивиденд тўланиши ҳисоб-китоб қилиб қўйилган. Бу ҳар юз сўмлик акцияга 67 сўмданга тўғри келган. Очиғини айтганда мазкур ҳиссадорлик жамиятида раҳбарларнинг ўзлари ҳам бу янгиликнинг моҳиятини чуқур тушуниб ва англаб ета олишмаган. Янгилик магзини чуқур англаб етиш ҳар бир меҳнат кишисини самаралироқ ва унумлироқ меҳнат қилишга ундаши тайин. Шундай бўлгач, мазкур корхонада ҳам ҳар бир ходимнинг иқтисодий билимини оширишга эътиборни кучайтириш фойдадан холи бўлмасди.

Корхонада дебитор ва кредитор қарзлар, айниқса уларнинг тулов муддатлари ўтиб бораётганлари жуда кўп миқдорни ташкил этиши ташвишлидир. Шу йилнинг 1 август ҳолатига кўра корхонанинг 1 миллион 833 минг сўмлик дебитор қарзи бўлиб, шундан 800 минг сўмлик муддати ўтган қарздир. Дебитор қарздорлар орасида Зафаробод, Жиззах пахта тозалаш корхоналари борки, улардан қарзни ундириш осон кечмаяпти. Айниқса корхонанинг шундоқ ёнгинасида жойлашган «Элита» фирмаси бу борада оёққа «тушовлик» вазифасини ўтамоқда. Ана шу фирма ҳисобида 1 миллион 260 минг сўмлик дебитор қарзи мавжуд. Кези келганда мазкур фирма ҳақида озгина тухталсак.

«Элита» фирмаси корхонадан олган читита ўз цехларида махсус яшил бериб, сўнгра вилоят хўжаликларига уруғлик учун етказиб беради. Исталадими, йўқми, хом ашё-читит А.Икромов номли пахта тозалаш корхонасидан, бир девор оша олинади. Лекин олинган, маҳсулотлар эвазига ҳақ сўралганда фирма раҳбарлари оғизда мум тишлашади. Корхонанинг айни пайтда 9 миллион сўмдан ортиқроқ кредитор қарзлари мавжуд. Шундан 850 минг сўмлик қарзнинг муддати ўтиб кетган. Газ, электр манбаси, транспорт хизмати тармоқларидан қарздорлик ортиб бормоқда.

Корхона ҳозирги кунда иш ҳақининг ўзидан уч миллион сумга яқин қарздор бўлиб турибди. Ишчилар Гулабза Уролова, Солия Кубаеваларни ўтган ойлардаги иш ҳақларини талаб қилиб турган бир пайтда учратдик. Раҳбарларга «хўш, нега шундай бўлаяпти», дея берган саволимиз ҳавода жавобсиз муаллақ қолаверди...

Жорий йилда А.Икромовлик пахта тозаловчилар туманлари 28 та деҳқон-фермер хўжаликлари билан ўзаро контрактация шартномаси тузиб, улардан 16 минг 827 тонна пахта хом ашёси қабул қилиб олади. Шартномага биноан хўжаликларга 92 миллион сўмлик бунак (аванс) тарқатилди.

Биз ушбу мақоламизда бир корхонада тўпланиб қолган муаммолар хусусида баҳоли қудрат сўз юритдик. Уларни босқичма-босқич ҳал этиш, шу сингари муаммоларнинг олдини олиш борасида тегишли тадбирлар белгилаб, уни амалга оширишни республика пахта тозалаш саноати мутасадди раҳбарлари эътиборига ҳавола қиламиз.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

ДИНИЙ ПОКЛАНИШ - ИЙМОН БЕЛГИСИ

Истиқлол халқимиз қадриятлари ва миллий гуруримизнинг тикланиши ва мустаҳкамланишига кенг йўл очиб берди. Таъқибга учраган урф-одатларимиз яна юзага чиқди. Миллий байрамларимиз зўр тантаналар билан ўтадиган бўлди. Топталган тилимиз давлат тили мақомини эгаллаб, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги табиий ролини ўйнамоқда. Шу билан бирга ҳамма соҳада у ёки бу даражада покланиш рўй берди ва бу ижобий жараён давом этмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган олти йили мобайнида,айниқса диний эътиқодимиз қадр топди. Бир пайтлар ёпиб қўйилган масжидлар очилди ва яна қанчадан-қанча янгилари қурилди. Диний байрамларимиз, хусусан, ҳайитларни зўр шодиёналик билан нишонлаш мақсадида Президентимиз Фармонига кўра улардам олиш кунлари деб эълон қилинди. Диний мадрасалар ишлаб турибди. Буларнинг ҳаммаси мусулмончиликда юксак эъзозланадиган ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, саховатлилик каби умуминсоний фазилатларнинг камол топишига хизмат қилмоқда.

Рўй бераётган бу каби ўзгаришлар ғоят қувончли. Аммо, фикри ожизимизча, ҳали олдимизда динимизни унга сиқилиб кирган айрим бидъатлару хурофотлардан тозалашдек ғоят муҳим вазифа турибдики, уни қанчалик тез ва соз амалга оширсак, Аллоҳнинг шунча кўп марҳаматига мушарраф бўламиз. Тўғри, комфирқа ҳукмронлиги даврида динимизни обрўсизлантириш учун атайлаб кони зарар бўлган бидъат-хурофот ишларига шаръий тус берилар ва шу асосда диндорларни обрўсизлантиришга ҳаракат қилинарди. Ҳеч ким «Ҳой, барака топкур, бу бидъату хурофотларнинг динимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ!» деёлмасди. Деса ҳам унга бу гапни омма эшитиши учун имкон берилмасди. Оқибатда мафкуравий душманларимиз у ёқда турсин, ҳатто халқимиз орасида ҳам дин билан жирканч бидъат ва хурофотларни бир нарса деб тушунадиган туруҳлар пайдо бўлди. Масаланинг афсусланарли томони шундаки, диний покланишимиз учун катта имкониятлар очиб берилаётган ҳозирги қутлуғ кунларда ҳам бу аянчли тушунча ҳамон сақланиб қолаётибди.

Келинг, шу ўринда бидъат ва хурофотнинг ўзи нима эканлиги ҳақида тўхталиб ўтайлик. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг бўлим мудири Абдулазиз Мансур шундай дейди: «Бидъат - бу арабча сўз бўлиб, лугавий маъноси «ҳар қандай янги пайдо қилинган иш» демакдир. Шариатда эса Суннатга хилоф бўлган жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейин мусулмонларнинг ўзлари томонидан пайдо қилинган ва унга диний руҳ берилган одат ва маросимлардир».

Диний китобларда бидъат икки хил таъриф этилади: Биринчиси - «бидъати ҳасана» (чиройли бидъатлар), иккинчиси - «бидъати сайиа» (хунук бидъатлар). Жаноб пайғамбаримиз (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида айтганларки, «кимки яхши бир одатни жорий қилса, унга шу ишнинг савоби билан бирга, уни ижро қилиб борувчиларнинг савобларидан ҳам қўшилиб ёзилиб туради. Кимки ёмон зарарли одатни жорий қилса, унга бу ишнинг гуноҳи билан уни ижро қилиб борувчилар ўз маконига олиб кетадилар ва уни ўз турмуш тарзлари билан обдон таништириб, яна ўз жойига ташлаб кетадилар. Шундан сўнг у кўрган-кечирганлари ва жинлар ҳаёти тафсилотларини одамларга гапириб юради. Шу-шу одамлар қачон бирон ақлга сиғмайдиган гапни эшитса, «бу Хурофа гапларига ўхшайди-ку!» дейдиган бўлишди».

Йиллар ўтиши билан бидъат ва хурофотнинг сони ва турлари ҳам, афсуски, камайиш ўрнига кўпайиб бораверган. Ҳатто оташпарастлик давридан қолган удумлар ҳам (масалан, қабрга шам ёқиб қўйиш каби) бидъат тарзида давом этиб, уларга диний тус берилаверилган. Аҳвол шу даражага бориб етганки, ҳақиқий дин билан бидъат - хурофот ишлар амалда деярли қориштириб юборилган. Бу иш айниқса, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, шўро ҳукмронлиги даврида атайлаб авж олдирилган. Оқибатда бугунги аянчли ҳолат юзага келганки, унга тезроқ барҳам бермоқ, яъни динимизга суқулиб кирган бидъат ва хурофот ишлардан тезроқ фориғ бўлмоқ даркор.

Ҳозирги кунларда кенг авж олган бидъатлар орасида фолбинлик, кинначилик, иссиқ совуқ қилиш, бунақа «касб»ларни зиммага олиш учун «чиллага ўтириш» кабилар алоҳида кўзга ташланиб туради. Бу ғайридиний «касб»лар билан баъзан ўзини диндорман деб атагувчи кимсалар ҳам шуғулланаётганлари айниқса ташвишлидир. Ташвишимизнинг нақадар асосли эканлигини аниқроқ тасаввур қилиш учун яқинда бўлиб ўтган бир воқеани мисол тариқасида келтирамиз.

С. исмли аёлнинг тилла занжири йўқолиб қолади ва у фолбинга бориб ёрдам сўрайди. Ҳижоб кийиб, қўлида тасбеҳ ушлаб ўтирган фолбин эса ўзича турли дуоларни ўқиб бўлгач:

- Тиллангизни олган одам қиёфаси кўз ўнгимда пайдо бўлди. У ўрта бўйли, қорачадан келган, озгин, юзининг чап томонида каттагина ҳоли бор жувон,-дейди.

С. ҳаёлан шундай одамни қидиради ва топади. У ўзи билан бир ҳовлида яшовчи овсини бўлиб чиқади. С. ишонч билан унинг ёқасидан тутади:

- Тилла занжиримни бер, уни сен олгансан!

Табиийки,қутилмаган бу гапдан овсинининг жаҳли чиқиб, тутақиб кетади ва оралари жанжал келиб чиқади. Унга фақат эригина эмас, бошқалар ҳам аралашади. Овсини бу хўрликка чидаёлмай ота-онасиникига кетиб қолади. Эр эса уни «уч талоқ» қўяди. Шундай қилиб, бугун бир оила барбод бўлади. Икки норасида гўдак тирик етим бўлиб қолади.

Масаланинг афсусланарли жойи шундаки, орадан бироз вақт ўтиб тилла занжир ҳам топилади. С. вақтинча уни синглисига бериб юборганини эслаб қолади.

Бўлиб ўтган ..ана бу ажабтовур воқеа ҳам ҳайратланарли. М исмли дардман жувонга бир кинначи шундай дейди:

- Сиз кинначиликни ёки фолбинликни бўйнингизга олмасангиз, ҳеч қачон тузалмайсиз.

- Хўш, бунинг учун нима қилишим керак?

- Аввал 40 кун чиллага ўтирасиз, қолганини кейин айтаман.

Кинначининг гапига ишонган касалванд қоронғу уйга 40 кунга қамаб қўйилади. Лекин бу муддатнинг 35 кунига етганда вафот этади.

Во ажабо, дейсан ҳайратдан ёқа ушлаб. Биз юқорида айтган оилавий ажралишга ҳам, кейинги ўлимга ҳам наҳотки фолбину кинначи сабаб бўлган бўлса? Масаланинг энг таассуфли жойи шундаки, ўша фолбин ва кинначининг эгниларида ҳижоб, қўлларида тасбеҳ. Улар ўзларини диндор деб биладилар.

Ўринли савол туғилади: Наҳотки, бу каби бидъатчилар пайғамбаримизнинг сеҳру жоду ишлар билан шуғулланишни қоралаганларию «фолбинга ишониш - Худога ширк келтириш билан баробар» деганларини билмасалар! Назаримда, уларни масаланинг бу томонлари қизиқтирмайди. Муҳими - лақмалар кўпаяверсаю, уларга мўмай пулу, текин уст-бошу, ош-овқат келиб турса бас..

Бундай гуноҳ ишлар билан фақат фолбину кинначилар эмас, ўзларини отинойи деб элга танитган айрим намозхонларимиз ҳам шуғулланаётганларига ҳайратланмай иложимиз йўқ. Фикримиз «қуруқ қошиқ оғиз йиртар» қабилида бўлмаслиги учун яна бир мисол келтирамиз. Бир ойча олдин маҳаллада мушкулкушод маросими бўлиб ўтди. Унга 50 га яқин аёл тўпланди. Ҳижоб кийиб, қўлига тасбеҳ тутган отинойи уйнинг тўрида, ҳамманинг эътибори унда. Отинойи Қуръон сураларидан тиловат қилиб, узундан-узоқ дуо ўқигач, йиғилганлардан бири:

- Қани отинойига атаганларингни чиқаринглар,-деди.

Гўё шу гапни кутиб тургандек, аёллар ёнларидан пул чиқариб узата бошладилар. Биров 200, биров 100, бошқаси 25 сўм берди. Ҳамма атаганини чўзгач, йиғилган пуллар отинойига топширилди.

Дастурхонга навбатдаги овқат қўйилиб, у ҳам ейилгач, отинойи яна Қуръондан сура ўқидилар. Кейин бояги аёл тағин пул йиға бошлади, шу пайт ночорроқ кийинган бир аёл ўзини ташқарига урди. Бориб уй эгасидан 25 сўм қарз сўради ва уни отинойига узатди.

Ўша куни отинойи 4-5 минг сўмга ҳамёнини қаппайтирди, ўтирганларнинг ҳамёни шунча «пуччайди». Энди холис айтингчи, ўртада йиғилган шунча пулга ким муҳтожроқ эди? Яхши кийинган, ширмондай қип-қизил юзли, ўзига тўқ сохта отинойими ёки ноиложликдан бировдан қарз кўтарган бояги бечора аёлми? Отинойи қилган «хизмат»лари учун маросим эгасидан тегишли «ҳақ»ни шундоқ ҳам олади-ку!

Фикри ожизимизча, бидъат ва хурофий ишлар билан шуғулланиб юрган диндорлик ниқоби остидаги кимсаларга диндорларимиз сафида жой бўлмаслиги керак. Чунки улар қилаётган хатти-ҳаракатларнинг муқаддас динимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Аммо айрим диндорларимизга чиндан ҳам ақлни лол қолдирадиган каромату мўъжизаларни Аллоҳ «юқтирган» бўлса-чи? Унда нима қилиш керак?

Эътиборли дин арбобларининг фикрига кўра, бордию мусулмон одамда шу каби хислатлар пайдо бўлиб қолса, у ўзини йўқотиб қўймаслиги, аксинча, бундай ноёб фазилатларни ато этганлиги учун Аллоҳга шукроналар айтиши лозим. Лекин бу хислатларни билиб-билмай ҳаётга татбиқ этмаслиги шарт. Энг муҳими, уларни суистеъмол қилмаслик, ёлғон аралаштирмаслик, мақтанмаслик, бирор маълумотни ғайритабиий йўл билан аниқлаган тақдирда ҳам «шундай экан» ёки «шундай бўлади» деб қатъий гапирмасдан «менга маълум бўлишича, шунақага ўхшайди, яна Худо билади» каби шартли гапириши керак.

Шу ўринда, бизнингча ёшларга диний таълим бераётган олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқиш мазмуни ва савияси устида чуқур ўйлаб кўриш зарурати яққол сезилмоқда. Мен уларни битирганларнинг ҳижоб кийиб олиб ўзларини отинойи, ҳисоблаб, на шариатга, на давлатимиз қонунларига тўғри келадиган ишни қилиб юрган айрим кишиларнинг кирдикорларини фош этишдек муҳим ишда чинакамига бонг урмаётганларини асло тушунолмайман.

Қиссадан ҳисса шуки, динимизни турли бидъату хурофотлардан тозалаш вақти келди. Бу ғоят масъулиятли ва савоб ишни қанча тез амалга оширсак, шунча яхши. Негаки, пайғамбаримиз (с.а.в) «Бидъат шундай ёмон нарсаки, у сизларни хамирдан қил суғургандек осонгина диндан чиқариб қўяди. Натижада дин деб, бутунлай бошқа нарсани тушунадиган бўлиб қоласиз» деб бежиз айтмаганлар.

Муродхон КАЛОНХОН
Журналист

Ҳурматли газетхон!

Эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги мақола ва унга берилган шарҳ ғоят долзарб маслага бағишланган. Зеро, халқимиз орасида илдиз отган ислом эътиқоди билан бирга турли хурофот ва бидъатр ҳам яшаб келмоқда. Жамиятимизда маънавий покланиш, айни пайтда диний покланиш жараёнлари кечаётган экан, ўтмишнинг ярмас сарқитларидан бўлмиш хурофот ва бидъатлардан қутилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Алалхусус, ушбу мақола ҳамда унга ёзилган шарҳда олға сурилган фикрларни жиддий мутолаа этарсиз ва газетамиз саҳифаларида диний покланиш, иймон-эътиқодимизни турли бидъат ва хурофотлардан тозалаш бўйича қизғин муноразаларда фаол иштирок этасиз деган умиддамиз.



Таниқли журналист Муродхон Калонхон «Диний покланиш-имон белгиси» сарлавҳали мақоласида шу куннинг муҳим ва долзарб мавзусида мунозара бошлаган. Мақола айни пайтда янада чуқурроқ мулоҳаза юритишга ундайди.

Аслини олганда бидъат ва хурофотни динга алоқаси борми?

Юқорида зикр этилган мақола муаллифи бу иллат ҳаётимизда дин билан қоришиб кетиб, бугунги кунда аянчли ҳолат юзага келганлиги ҳақида ўз қарашларини бир оддий журналист сифатида куюнчаклик билан ёзган бўлса, ушбу мавзуга биз унинг фикр-мулоҳазаларини тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, Ислом дини нуқтаи назаридан ёндашиб, уз муносабатимизни билдирамиз.

Ислом дини таълимотига зид булган, яъни муътазила оқимлари каби Ислом ақидаси ва аҳкомларини бузиб талқин этиш, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг асл мақсадидан четлаб кетиш ва жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин мусулмонларнинг узлари томонидан пайдо қилинган ва унга диний руҳ берилган одат ва маросимлар бидъат саналади.

Бу ҳақда Ислом динининг бош сарчашмаси булмиш Қуръони каримнинг «Моида» сурасига берилган тафсирларда ҳам аҳамиятли маълумотлар зикр этилган:

«Ислом дини шундай мукаммал динки, унга бирон янги хил ибодат қўшиш ёки ундан бирон ибодатни чиқариб ташлаш мумкин эмас».

Ушбудан аниқ ва равшанки, шариати Исломияга Қуръон ва Ҳадисда кўрсатилганидан ташқари бирор янгилик, ҳар қандай урф-одатни тадбиқ этиб булмайди.

Зеро, бу борада умматини ширкдан сақлаш ва ақидаларни бидъат ва хурофотдан халос этиш йулида бутун умрларини сарфлаган Пайғамбаримиз Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Эй умматларим, мен сизларга икки нарсани қолдириб кетяпман. Бири Аллоҳ Таолонинг китоби - Қуръони карим. Иккинчиси эса менинг суннатларим - Ҳадис. Агар сизлар ана шу икки нарсага амал қилган ҳолда ҳаёт кечирсангиз, ҳеч қачон адашмайсизлар ва залолатда булмайсизлар».

Пайғамбаримизнинг ушбу кўрсатмаларига амал қилиб, ҳидоят йулида юрадиган ҳақиқий мусулмон одам дину диёнатига, иймон-эътиқодига зарар келтирадиган булса, ҳар қандай ишнинг баҳридан кечади. Масалан, фолчига бориб йуқолган нарсасини сураштдан олдин, бу ишнинг куфрона оғир гуноҳ эканлигини эслайди ва унинг олдига бориш ўрнига Аллоҳнинг узидан сураб қўя қолади. Уз динини яхши билмасдан, турли тасаввурларга берилган айрим чаласаводлар, суннат билан бидъатнинг фарқини ажрата олмайдиган авом кишиларгина хурофий ишларга берилиб, залолат ботқоғига ботадилар.

Ажабланарли томони шундаки, табобат илми ривожланган ҳозирги замонимизда ҳам баъзи кишиларимиз дардларига шифо излаб турли фолбинларга, азайимхонларга мурожаат қилиш ва авом фуқаро томонидан муқаддаслаштирилган қабристонларга боришгача етганлар. Ваҳоланки, бундай номаъқулчиликлар Ислом дини томонидан қатъий манъ этилган. Динимиз фолбинлик ва азайимхонликни қоралайди.

Ислом дини таълимотига кўра, фолбин ва ром курувчиларни сўзларини тасдиқлаш ва уларга ишониш улкан гуноҳ саналади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шундай ҳадиси шарифлари бор:

«Ким фолбин ё ром кўрувчи олдига бориб, у айтадиган гапларни тасдиқласа, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга юборилган Қуръони каримни ҳақиқатдан инкор этган булади».

«Ким ром кўрувчининг олдига бориб, ундан бирор нарса ҳақида сураса ва тасдиқласа, унинг қирқ кунлик намози қабул булмайди».

Ислом дини барча бидъат ва хурофатларни рад этиб, Аллоҳ Таолонинг борлигини доимо назарда тутишлари учун кишиларга ибодат қилишликни буюради. Бу ибодат банданинг ички дунёси ва дилини хурофот ва афсона эмас, балки доимо ҳозиру нозир Аллоҳнинг ёди, фикри ва зикри билан тулдиради. Шунингдек, банданинг ахлоқ-одобини тузатади. Уни турли жиноят ва гуноҳ ишлардан сақлайди. Бунинг устига ибодат банданинг дилига қувват ва салобат бағишлайди, меҳру шафқатини оширади. Масалан, киши исломда буюрилган хайр-эҳсон, садақа ва закот каби ибодати молийяларни бажарар экан, унинг дили таскин топади. Бу жуда савобли иш. Лекин, шариати Исломияда хайр-эҳсонни ўз жойига бериш ҳам жуда муҳимдир.

Мақола муаллифи «хайр-эҳсон одатда кимга қилинади?» деб жуда ҳақли саволни ўртага ташлаган. Албатта, етим-есир, бева-бечора муҳтожларга.

Шу ўринда ҳазрати Алишер Навоийнинг қуйидаги пурмаъно сўзларини эсга олиш жоиз:

«Сахийлик қандай мақтовга лойиқ, шарафли хусусият бўлмасин, уни меъёридан орттириб юборсанг, бу - исрофга айланади. Шундай кишилар ҳам борки, ҳеч исрофга йўл қўймасалар ҳам, бундай одамларни сахий деб бўлмайди, - бировга эҳсон беришда улар меъёрга эътибор қиладилару, лекин эҳсон берилаётган одамнинг эҳсонга қанчалик муҳтож эканлигига қарамайдилар. Тўқ одамнинг олдига дастурхон ёзадилар, эгни бут одамга эса тўн кийгизадилар. Улар қақраб ётган боғнинг устидан ёғмай ўтиб, ёмғирни тоққа тўккан булутга ўхшайдилар».

Хайр-эҳсон борасида яна шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, мусибат етган хонадонларда майитга атаб катта маросимлар ўтказиш ҳам хурофий одатлардандир. Бу ҳақда Узбекистон мусулмонлари идорасининг «Мусибат етган хонадон аҳлига таъзия билдириш ва баъзи маросимлар одоби» хусусидаги фатвоси ҳам эълон қилинган. Унда жумладан шундай сатрлар бор: «Мусибатхоналарда «пайшанбалик» ва «якшанбалик» деб худойилар қилиш ва «йигирма», «қирқ» номи билан катта-катта қозонларда ош дамлаб, кўп одам чақириб маросимлар ўтказиш ҳеч бир диний китобларимизда буюрилмаган».

Ана шу ўринда «Диний покланиш - иймон белгиси» сарлавҳали мақола муаллифи айтганидек: «Бидъатчиларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётган диний маросимлару бошқа йигинларда қилган дуолари учун ҳақ олишларини қандай тушуниш мумкин? Ахир, бу мусулмончиликка хилоф эмасми?» - деган ҳақли савол туғилади. Бу нафақат мусулмончиликка, балки умуминсоний қоидаларга ҳам сира тўғри келмайди. Чунки, ҳеч бир жойда бу каби ҳолат булмаса керак. Айниқса, бундай ёмон одат Ислом динига ёт. Шунинг учун ҳам уни мусулмончиликка боглаш сира мумкин эмас. «Аллоҳ Таоло ҳузурида мақбул булган дин» деб эътироф этилган динимиз бидъатчиларни қатъий қоралайди.

Бу ишлар шариатимиз буюрмаган одатлардан эканлиги ҳақида фикҳ китобларида ҳам айтилган. Асримиз уламоларидан Шаҳобиддин ал-Маржоний: «Халқимиз орасида кўп тарқалган ҳудойилар ношаръий садақалардандир. Ундан на майитга ва на соҳиби хонадонга савоб бор», деганлар. Шунинг учун ҳам марҳумларни фақат дуо фотиҳалар билан ёд этмоқлигимиз лозим. Бу борада Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Аллоҳ Таоло аҳли қабрларга аҳли тирикларнинг фақат дуоюларини еткарур, тирикларнинг марҳумларга қиладиган ҳадялари талаби ғуфрон ва раҳмат ҳамда истиғфордир».

Яна бу борада уламоларимиз айтганларки, имом-домла томонидан ужра (ҳақ) олмасдан қилинган Қуръон тиловатидан марҳумга савоб етади. Агар имом ужра олса, савоби тегмайди. Шунингдек, «Шарҳул Ақийдатут- Таҳовия» китобида шундай сатрлар бор: «Ҳақ олмай, холисан иллоҳ қироати Қуръон қилиб, уни марҳумларга ҳадя қилинса, бамисоли руза ва ҳажнинг савоби марҳумларга етиб боргандек булади».

Уттанларни ёд этиш, қабрларни ободонлаштириш керак, лекин улардан мадад сураш ва қабрларга таъзим қилиш, эшик, деворларини ўпиб, тупроғини кўзга суртиш бидъат - бу шариати Исломияда ман қилингандир. Шунингдек, мозор ва зиёратгоҳларга ният қилиб, ҳожат сураб садақа берувчи гуноҳкори азим, яъни Аллоҳ Таолога ширк келтирган ҳисобланади. Чунки, ҳар бир банда ўз ҳожатини ёлғиз Аллоҳ Таолодан сурамоғи керак.

Ислом дининг забардаст уламолари қабрларни зиёрат этувчилар томонидан мозор шайхларига бериладиган садақаларни ҳам ҳаром ишлардан деб ҳисоблаганлар. Чунки, Қуръони Каримнинг «Тавба» сурасида мозорларга шайх бўлиб олиб, муъмин-мусулмонлардан ношаръий садақа олувчиларни «ҳаром егувчилар», деб таърифланган ва уларга рўзи қиёматда қаттиқ азоблар борлиги баён қилинган.

Шундай экан, Муродхон Калонхоннинг «Диний покланиш-иймон белгиси» сарлавҳали мақоласида зикр этилган, мушкулкушод, худойи ва бошқа маросимларда дуои фотиҳалари учун ҳақ олаётган отинойилару диндор никоби остида қабристонларга жойлашиб олиб, садақага кўз тикиб утирган чаламуллаларнинг қилмишлари айни бидъатнинг ўзидир.

Шунингдек Ислом дини мусулмонларни намоз ўқишга қандай буюрган булса, илм-маърифатга, меҳнат қилишга ҳам шундай буюради. Намоз ўқиш ҳам фарз, илм талаб этиш, меҳнат қилиш ҳам фарз. Руза тутиш ҳам фарз, Ватанни ҳимоя қилиш ҳам фарз. Исломда Қуръон тиловат қилиш ҳам ибодат, оилани боқиш учун ҳалол ризқ касб қилиш ҳам ибодатдир. Шундай экан, динимиз моҳиятини тўла англаб етмай, бидъатчиларнинг сохта ва алдамчи ғояларига эргашиб, ўзини «мулла»ман деб юрган баъзи бир ёшларимизнинг бу ишларини асло оқлаб булмайди.

Хулоса шуки, динимизни барча бидъату хурофотлардан халос этиш даври келди. Бу ҳақиқатни динга ихлос қилаётган ёшларимиз ҳаммадан аввал тушуниб, бошқаларга ўрнак курсатмоқликлари лозим. Узларининг билиб-билмай қилган нотўғри ишлари билан ўзгалар кўз олдида, дин ҳақида ноўрин тушунчалар ҳосил булишига сабаб булиб қолмасликлари керак. Айниқса, ҳозирги пайтда халқимизнинг Ислом динига нисбатан булган чексиз ҳурматини баъзи ғаразгўй кишилар, ўз манфаати йулида суистеъмол қилишга уриниб юрган бир вақтда жуда ҳам эҳтиёт булиш зарур.

Исомиддин ОЛИМШАЙХ

ШАНБА ГУРУНГИ

Ҳар тўғрида

Ҳар йили ер юзида икки миллионга яқин фил дунёга келиб, қарийб шунчаси ўлади. Узоқ вақтгача олимлар бу ҳайвон скелетларини учратолмай юрардилар. Маълум бўлишича, фил ўлими яқинлигини сезгач, дарё ёки ботқоқликка бориб ғарқ бўлар экан.

***

Тарантул (ер остида яшаб, тунда тирикчилик қиладиган заҳарли ўргимчак) овқатсиз икки йил яшаши мумкин.

***

Буқаламуннинг тили ўз танасидан икки баробар узундир.

***

Янги туғилган Кенгурунинг бўйи икки ярим сантиметр, катта бўлганида эса икки ярим метрга етади.

Соат ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади

«Фил суриб от ўйнатиб»

ШАХМАТ КОМПОЗИЦИЯСИ

М. Муҳитдинов бошқаради

Қадимги замонларда шахмат назарияси деярли йўқ бўлиб, ўйин техникаси жуда кучсиз эди. Ҳаваскорлар ва онда-сонда учрайдиган кучли шахматчилар айрим дебют вариантларини, ўйин ўрталарида учрайдиган позицияларни тўплаб, уларни ўрганишган. Шу йўл билан ўз маҳоратларини оширганлар, улардан амалда фойдаланганлар. Мотга олиб келувчи комбинациялар ҳамда ўйин охирларида учрайдиган ибратли позициялар айниқса кўп қизиқиш туғдирган.

VIII — IX асрларда ечилиши қийин бўлган сунъий позициялар тузиш бўйича дастлабки уринишлар бошланди ва у шахмат композициясининг вужудга келишига туртки бўлди. Машҳур араб халифаларидан Хорун ал-Рашиднинг отаси Ал Махди шахмат композициясининг ҳам отасидир.

Араб ал Адли (IX аср) китобида ўйин қоидалари, дебютлар, партиялар билан бирга, биринчи шахмат масалалари ҳам келтирилган. Ўша пайтларда тузилган масалалар ўзига хос қатор хусусиятларга эга бўлган. Бошланғич позицияда томонлар амалий партиядагидек тенг кучга эга буладилар. Бироқ, оқларнинг аҳволи оғирдек туюлса-да, мотга олиб келувчи комбинация ёрдамида ғалабага эришади.

Ўйин техникаси ошиши билан бирга, ўйин охирларида ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам пайдо бўла бошлади. Уларни яхши ўрганиш натижасида сунъий вазиятлар тузишга киришилди. Бундай позицияларда оқлар ўйини бирдан-бир йўл билан ютуққа ёки дурангга олиб келганлар.

Шундай қилиб, қадимги шахмат масалалари астасекин бир-биридан фарқ қилувчи икки қисмга, яъни маълум миқдордаги юришлардан сўнг мот қилинадиган масала ва ютуққа ёки дурангга эришиладиган этюдга бўлинди. Бу бўлиниш XIX асрга келиб, ўзининг ҳақиқий ифодасини топди. Шахмат композицияси деганда масала ва этюдларни тушунамиз. Ҳозирги замон шахмат масалаларида, аввалгидек, кучлар тенг бўлиши шарт эмас. Масалалардаги асосий принцип — топилиши қийин бўлган ажойиб комбинацияларни амалга ошириш ва бунда тахтадаги барча дориларнинг иштирок этиши ҳамда биринчи юришдаёқ қора отга кишт бермасликни кўзда тутишдан иборатдир. Шахмат композициясининг маълум миқдордаги ёрдамида мот қилишни эмас, балки ажойиб юришларни топиш йўли билан ютуққа ёки дурангга эришиладиган этюдлар қисми амалий ўйинларга яқинроқдир.

ТАНЛОВНИНГ НАВБАТДАГИ ТОПШИРИҚЛАРИ

Мустақиллик кунига бағишланган танловнинг дастлабки топшириқлари билан ошно бўлган эдингиз. Қалай, маъқул бўлдими сизга? Бугун эса Низомга мувофиқ иккинчи тур, яъни навбатдаги топшириқларни эълон қилмоқдамиз.

2-савол. Соҳибқирон Амир Темурнинг қадимий шатранж—шахмат санъатига бўлган муносабати ва унинг замонида бу ақл-идрок машғулоти қай даражада юксалганлиги ҳақида нималарни айтиб бера оласиз?

(5, 6, 7, 8-диаграммаларга қараган:

Тасвирларда тўртта масала акс эттирилган бўлиб, биринчи ва иккинчисида оқлар бошлаб уч юришда, учинчи ва тўртинчисида эса тўрт юришда мот қилинди.

Низомда белгиланганидек, ҳар бир тўғри жавоб учун (савол ҳам) 4 тадан очко ёзилади. Жавоблар ҳар ҳафта ичида юборилиши шарт.

ХАҲОЛАР

Пешонага ёзилгани

Кунларнинг бирида олийгоҳда бирга ўқиган икки дўст учрашиб қолди. Бирининг билан Замира деб ёзилган эди. Иккинчиси билимдонлик қилиб сўрай кетди:

— Соғлигинг яхшими, дўстим Замирахон тинч омон юрибдиларми?

Биринчи йигит қўлига Замира деб ёзилгани эсида йўқ:

— Ким у, Замира? — деб сўради ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, келинпошшада, — деди дўсти.

— Ким-ким биландир адаштираяпсан. Келинпошша Замира эмас, Гулнозахон, — деди.

— Ия, мана бу, қўлга ёзилгани бўлмадими?

— Йўқ, оғайни, пешонага ёзилгани бўлди.

Оғизга тушган китоб

Бир шоир дўстига мақтанди:

— Китобим ҳали нашрдан чиқмасдан туриб оғизга тушиб кетди.

— Ия, ҳали босмадан чиқмаган китоб қандай қилиб оғизга тушади? — ҳайрон бўлди дўсти.

— Китобимнинг пулини олдиму хотинимга келтириб бердим, у тилла тиш қўйдириб олди.

***

— Ўзим ўйловдим-а, сен лақмани бу сафар ҳам тушириб кетишади, деб — бақира кетди хотин эрига.

Шу хонани сотиб олиб бўладими? Турган-битгани ҳаммомку! На деразаси бор, на бўй-эни!

— Бир оз сабр қилсанг-чи! Бу ҳали лифтку!

Фахриддин ҚОДИРОВ тайёрлади.

ДУШАНБА,13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00–8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади:«Ёшлар ҳиром айлаганда».Фильм-концерт.

9.00 «Ўзбек киноси ижодкорлари». 9.20 «Фарзанд — умид юлдузи». 9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Дил достони». Киноконцерт. 10.25 «Регтайм». Бадиий фильм (АҚШ). 12.45 «Тасвирга кўчган кўнгил. Абдулҳақ Абдуллаев. 13.05 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. 13.30 Телевизион миниатюралар театри

14.05–14.30 Бухоро–2500. «Бир ўлка-ки...»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Кузя учун уй». Мультфильм. 18.30 «Ҳазрати Инсон...» 18.45 «Олам ва одам».

19.05 Хива–2500. «Тарихингдур бир жаҳон».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 24.00 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Буюк келажак сари».

21.20 «Бухоро оҳанглари». Мусиқий дастур.

21.50 «Мулкдор». Телеочерк. 22.10 Одил Ёқубов. «Авлодларга васият». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят театрининг спектакли. 00.05 «Ахборот». 00.30 «Ўзбекистон бастакорлари» Собир Сафоев. 00.50–00.55 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.15, 19.25, 19.50, 20.25 Эълонлар. 18.20 «Ёрилтош». Мультгўплам. 18.35 «Спорт қитъаси». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Туризм ҳақида». 20.20 «Мусиқий йўлка». 20.30 «Ахборот». 20.55 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.10 «Кинонигоҳ». 22.00 Кундалик. 22.10 «Бешинчи ўлчов». 22.25 «Спорт қитъаси». 23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 00.15–00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар,

*

Россия жамоат телевидениеси. 17.20–20.35

*

20.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00–21.30

*

21.30 Эълонлар.

21.35 Кинодаги Бухоро. «Севги афсонаси». Бадиий фильм. 1–2-сериялар.

23.45–00.05 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10–18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель». **19.00, 21.30 Эълонлар.** 19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал. 19.30 «Умид». 19.55 «Сайёрамиз нафаси». 20.15 «Авторейд». 20.40 «Ракурс». 21.10 «Долзарб мавзу». 21.35 «Дарвоза посбонлари». Хужжатли фильм (Япония). 22.05 «Спорт-тайм». 22.35 «Гўзаллик ва мангулик». 22.55–23.05 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА,14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Ҳунарли элда азиз». 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.10 «Ўзбекистон бастакорлари». Собир Сафоев. 9.30 «Олам ва одам».

9.50 Кинога кўчган Хива. «Хоразм». Телефильм.

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Шартнома ҳаққоний бўлсин»

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Тасвирий санъат. 11.00 Инглиз тили.

*

11.30 «Меҳр қолур». Публицистик кўрсатув. 11.50 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.

13.00 «Бухоро оҳанглари». Мусиқий дастур.

13.30 «Инсон ва қонун» почтасидан.

14.05–14.30 Хива–2500. «Бир ўлкаки...»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Орзу». 18.30 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув. 18.45 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал. 19.05 «Шарқ тароналари». 14-кўрсатув.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.35 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Агросўғурта имкониятлари». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Айтишув». 21.45 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув. 22.05 Футбол: беллашувлар, натижалар. 22.10 «Истиқлол неъматлари». 22.40 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур. 23.05 Теннис: «Буюк ипак йўли» Сателлит турнири. 23.40 «Ахборот». 00.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шайхонтоҳур». 00.25–00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

18.20 «Ёрилтош». Мультгўплам. 18.35 «Палитра». 18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...» 19.10 «Олтин кент». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Табиат дунёси». 20.30 «Ахборот». 21.00 «ХИФ» 21.20 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.30 «Кинонигоҳ». 23.10 Кундалик. 23.20 «Акс». 23.40 «Ишбилармонлар ҳафтаси». 23.55–00.05 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30–8.00

* * *

17.20–22.30

*

22.30 «Ўзбекистонда куз». Манзарали фильм.

*

Россия давлат телевидениеси. 22.40–23.15

*

23.15 Эълонлар.

23.20–23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10–18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульткарусель».

19.05, 23.00 Эълонлар.

19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун». 20.10 «Солиқ ҳақида сабоқлар». 20.25 «Тиббиёт сизлар учун». 20.55 «Мусиқий фрагмент». 21.00 «Очиқ дарс». 21.30 «Ўйингоҳ». 22.00 «Моҳир». 22.30 ««Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 23.05 «Мусиқий фрагмент». 23.10 «Европа манзаралари». 23.30–23.40 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА,15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал. 8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чуст жилолари», «Нақкош».

9.15 «Шарқ тароналари». 14-кўрсатув.

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Озод ва обод юрт». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Зоология. 11.00 Янги алифбони ўрганамиз. 11.30 Кимё.

*

12.00 «Туташ томирлар».

12.15 Кинодаги Бухоро. «Бухороча эртаклар». Фильм-концерт.

12.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши)—«Чилонзор». Ёзиб олинган. 13.35 «Айтишув».

14.05–14.30 Бухоро–2500. «Бир ўлка-ки...»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Бешбармоқ». 18.40 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...» 18.45 «Жамоат-ташкилотлари: маслак ва мақсад».

19.05 Хива–2500. «Хоразм наволари».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.20 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Акция ва акциядор». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 21.20 «Қўшиқларим сизга армуғон». 21.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» (Наманган)—»Пахтакор» (Тошкент). Ёзиб олинган. 23.25 «Ахборот». 23.50 «Ватанни севмоқ иймондандир...» 00.15–00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

18.20 «Ёрилтош». Мультгўплам. 18.35 «Мусиқий шарҳ». 18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият». 18.55 «Услуб». 19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Табиат дунёси». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». 21.30 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.40 «Кинонигоҳ». 23.10 Кундалик. 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 00.10–00.20 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30–8.00

* * *

17.20–20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси. 21.00–21.35

*

21.35 Эълонлар.

21.40 «Болакайлар орзуси». Телефильм. 21.50 «Оқим». Бадиий фильм (Австралия). 23.20–23.40 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10–18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 22.25 Эълонлар.

19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал. 19.30 «Ҳамкорлик». 20.00 «Спортлото». 20.10 «Ҳуқуқ ва бурч». 20.30 «Азизим». 21.00 «Мезон». 21.30 «Автосалтанат». 21.40 «Эллада». 22.05 «Ҳаёт карвони». 22.30–22.40 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА,16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Қўшиқларим сизга армуғон». 9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 9.25 «Эъзоз». 9.45 Болалар учун. «Оқ руҳ».

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. 10.30 Комил Аваз. «Ташкил». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли. 12.00 Алифбо сабоқлари. 12.30 «Биз танлаган йўл». Видеоканал. 13.30 «Инжиқ малика». Мультфильм. 13.40 «Телевидение ва томошабин»..

14.05–14.30 Хива–2500. «Бир ўлкаки...»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Дунё ёшлари». 18.30 «Ранглар жилоси». 18.45 «Нуқтаи назар». 18.55 «Шарқ тароналари». 15-кўрсатув.

19.25, 20.25, 20.55, 23.30 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Юзма-юз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 «Шийпондаги учрашувлар». Хоразм вилояти Хива тумани Бобожон Нуруллаев номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ҳузурида.

21.55 Бухоро–2500. «Бухорои Шариф».

22.15 «Мактуб—кўнгил ойнаси». 22.50 «Назм ва наво». Чўлпон лирикаси. 23.35 «Ахборот». 24.00 «Ўзбек уруғлари». 00.10 «Рақс, рақс, рақс». 00.30–00.35 Ватан тимсоллари.

II

9.00 Мультипанорама. 9.20 «Ҳайвонот дунёси». 9.40 «Нафосат». 9.50 «Бу мунис лаҳзалар». 10.20 «Соғинч». 10.40 Видео—«О». 12.10–13.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи».

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

18.20 «Бизнинг мактаб». 18.30 «2000—йилдан сўнг». Телесериал. 18.50 «Билиб қўйган яхши». 19.00 «Бир жуфт қўшиқ». 19.10 «Сир». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Мутойиба». 20.05 «Дубляж». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иймон». 21.20 «Келин-куёв». Телешоу. 21.55 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.05 «Кино жавонидан». 23.35–23.45 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30–8.00

* * *

17.20–20.35

*

20.35 Эълонлар.

20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

*

Россия давлат телевидениеси. 21.00–21.35

*

21.35 Кинодаги Бухоро. «Абу Райҳон Беруний». Бадиий фильм. 1–2-сериялар.

00.05–00.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10–18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 22.25 Эълонлар.

19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 19.50 «Шалом». 20.20 «02» тўлқинида. 20.35 «Минг бир маслаҳат». 20.50 «Компьютер-ревю». 21.05 «Интерспорт». 21.15 «Америка президентлари». 21.45 «Каталог». 21.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.30 «Инспектор Ракка». Телесериал. 23.15–23.25 «Хайрли тун!»

ЖУМА,17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00–8.25 «Ахборот»

*

8.25 «Назм ва наво». Чўлпон лирикаси. 9.05 «Юзма-юз». 9.25 «Энг муҳими». Маърифий кўрсатув. 9.50 «Ургутлик кулол». «Ўзкинохроника» премьераси.

10.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.

10.05 «Ислоҳот ва масъулият».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Немис тили.

*

11.30 «Шарқ тароналари». 15-кўрсатув.

12.00 Бухоро ва Хоразм ўзбек киносида. «Мафтунингман». Бадиий фильм.

13.20 «Шийпондаги учрашувлар». Хоразм вилоят Хива тумани Бобожон Нуруллаев номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ҳузурида.

14.05–14.30 Бухоро–2500. «Бир ўлка-ки...»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Ғазалхон ёшлигим». 18.30 «Ўзбек автомобилларини жаҳон тан олмоқда». 18.45 «Санъат олами». 19.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 23.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Ҳидоят сари». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод алифбоси». 21.30 «Мусиқа бўстони».

21.45 Хива–2500. «Меҳр макони».

22.05 «Дурдона». Бадиий-публицистик кўрсатув. 22.25 Мумтоз наволар.

«Мунаввар дунё».

Маърифий дам олиш дастури.

22.55 «Олам». 23.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 9-қисм (Миср Араб Республикаси). 24.00 «Ахборот». 00.25–00.30 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Бизнинг мактаб». 9.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 9.30 «Билиб қўйган яхши». 9.40 «Бир жуфт қўшиқ». 9.50 «Сир». 10.05 «Мутойиба». 10.15 «Дубляж». 10.35 «Иймон». 10.55 «Келин-куёв». Телешоу. 11.30–13.00 «Кино жавонидан».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи».

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...» 18.35 «XXI аср авлодлари». 18.55 «Эслайсизми?» 19.00 «Бизнес ҳафта якунлари». 19.10 «Эртага—шанба». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Дил дафтари». 20.00 «Сизлардан ишорат». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ривоят». 21.10 «Дераза». 21.25 Оҳанглар ва Эълонлар. 21.35 «Кинонигоҳ». 23.05 «7 дан 70 гача». 23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 00.15–00.25 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 6.30–8.00

* * *

17.20–20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳамма учун».

*

Россия давлат телевидениеси. 21.00–21.35

*

21.35 Эълонлар.

21.40 Кинога кўчган Хива. «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 1–2-сериялар.

23.50–00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10–18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 22.10 Эълонлар.

19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал. 19.30 «Умид чечаклари». 19.50 «Рангинкамон». 20.20 «Уй остонадан бошланади». 20.50 «Араб эстрадаси». 21.20 «Жума куни ишдан сўнг». 21.50 «Шарқ дарвозаси». 22.15 «Инспектор Ракка». Телесериал. 23.00 «Йиллар ортидаги йўллар». 23.30–23.40 «Хайрли тун!»

ШАНБА,18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.

8.35 Кинога кўчган Хива. «Хиванинг меъморий обидалари». «Ўзбектелефильм» премьераси.

8.55 «Оператор Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм. 9.15 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.9-қисм. 10.00 «Шоҳруҳ» клуби.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.20 «Учрашув». 10.50 Хабарнома.

11.00 «Янги аср бўсағасида». Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган ёшларнинг телевизион йўқламаси.

12.20 «Анор сайли». Публицистик кўрсатув. 12.40 Эстрада концерти.

13.00 Хива–2500. «Бир ўлка-ки...»

13.25–15.25 Саид Аҳмад. «Куёв». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Жанубий Корея. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм. 18.45 «Хайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.05 «Шарқ тароналари». 16-кўрсатув.

19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 20.15 «Жаҳон спорти». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи». 21.30 «Янграсин шўх яллалар», Мусиқий дастур.

23.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.

«Тунги ёғду».

Дам олиш дастури.

23.35 «Дилларда ҳамон...» Киноконцерт. 23.45 «Ҳазил». 23.55 «Ноёб тур». Бадиий фильм. 01.25 «Тунги пойтахт тароналари».

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...» 9.15 «XXI аср авлодлари». 9.35 «Эслайсизми?» 9.40 «Бизнес ҳафта якунлари». 9.50 «Дил дафтари». 9.55 «Сизлардан ишорат». 10.20 «Ривоят». 10.30 «Дераза». 10.45 «Кинонигоҳ». 12.15–12.35 «7 дан 70 гача».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи».

18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 Эълонлар.

18.20 «Боланинг тили». 18.35 «Умрбоқий мерос». 18.50 «Қонун ҳимоясида». 19.00 «Табиат шифохонаси». 19.15 «Дилбарим». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.10 Дилором наволар. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ханда дўкони». 21.20 «Глобус». Телеальманах. 21.40 «Мафтункор чеҳралар». 22.00 Оҳанглар ва Эълонлар. 22.15 Видео—«О». 23.45–23.55 «Даракчи».

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси. 17.20–22.25

*

22.25 Эълонлар.

22.30 Кинодаги Бухоро. «Даҳонинг ёшлиги». Бадиий фильм.

23.55–00.20 ЎзТВ хазинасидан. «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.

IV

9.00 «Аэробика». 9.20 Эълонлар. 9.25 «Шанба эртаги». 10.25 «Асов дарёнинг жиловланиши». Бадиий фильм. 1–2-сериялар. 12.40 «Спектаклдан сўнг». 13.10 «Учувчи шифокорлар». Телесериал. 13.55–14.15 «Корейс тилини ўрганамиз».

* * *

17.10–18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 22.15 Эълонлар.

19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм. 19.50 «Шанба оқшомида». 20.00 «Биргаликда куйлайлик». 20.45 «Рақслар қанотида». 21.15 «Настасья». 21.45 «Таклифлар». 22.20 «Самодаги олмослар». Телесериал. 23.05 «Бу ажиб дунё». 23.20 «Хит-коллекция». 23.40–23.50 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА,19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00–8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Мусобақалар, очколар, секундлар». 11.15 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм. 12.45 «Остонаси тиллодан...»

13.05 «Бухоро – ҳунармандлар шаҳри». «Ўзбектелефильм» премьераси.

13.15 «Аср сўнгида». Адабий-публицистик кўрсатув. 13.40 «Болалигим—пошшолигим».

14.40–15.05 Бухоро–2500. «Бир ўлка-ки...»

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Омад юлдузи». 18.30, 21.00 Эълонлар. 18.35 «Панорама» (рус тилида).

19.00 Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти.

20.30 «Ҳафтанома». 21.05 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий дам олиш кўрсатуви. 22.05 «Футбол майдонларида».

22.25 Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти. Ёзиб олинган.

23.55 «Ҳафтанома».

«Аср мўъжизаси» кинодастури.

00.25 Кинодаги Бухоро. «Насриддин Бухорода». Бадиий фильм.

01.45–01.50 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили». 9.15 «Умрбоқий мерос». 9.30 «Қонун ҳимоясида». 9.40 «Табиат шифохонаси». 9.55 «Дилбарим». 10.05 «Бизнес-академия». 10.20 Дилором наволар. 10.35 «Ханда дўкони». 10.55 «Глобус». Телеальманах. 11.15 «Мафтункор чеҳралар». 11.35–13.05 Видео—«О».

* * *

16.00 Кўрсатувлар дастури. 16.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Саралаш ўйинлари. 17.50 «Даракчи». 18.00 «Синфдош». 18.20 «Бари ҳазил».

18.30, 21.00 Эълонлар.

18.35 «Панорама» (рус тилида).

19.00 Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва байрам концерти.

20.30 «Ҳафтанома». 21.05 «Жараён». 21.15 «Мусиқа салтанати». 21.40 «Келгуси ҳафтада». 21.55 «Миллионлар ўйини». 22.15 «Тақвим, эълонлар, оҳанглар». 22.30 Видео—«О». 01.10–01.20 «Даракчи».

III

16.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

16.55 «Ўрмонлар оша, тоғлар оша». Фильм-эртак.

*

Россия жамоат телевидениеси. 18.05–23.15

*

23.15 Эълонлар. 23.20–23.45 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!». 9.30 «Парле ву франсэ?» 9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами». 11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида). 11.45 Эълонлар. 11.50 Киносалон. «Шахсий ҳимоячи». Бадиий фильм. 13.40 «Кинони севасизми?». 14.10 «Жонли сайёра». 14.30 Стивен Спилбергнинг «Юрск давридаги боғ» фильми. 15.55 «Шу куннинг мавзуси». 16.10 «Нима яхши, нима ёмон». 16.35 «Сенинг вақтинг». 16.55–17.10 «English for children». Болалар учун инглиз тили.

*

17.10–18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 21.10 Эълонлар.

19.05 «Менинг кўчам». 19.20 «Телеташриф». 19.40 «Иштирок этувчилар». 20.10 «Тошкент оқшомида». 20.40 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари». 21.15 «Долзарб мавзу». 21.35 Киносалон. «Мустақиллик куни». Бадиий фильм. 23.15 «Мусиқий олимп». 23.35–23.45 «Хайрли тун!»

Спорт салтанатидан дараклар

КАРАТЭНИНГ ТАРИҚДЕК ТАРИХИ

Каратэ, аниқроғи, каратэ-до кўп минг йиллик тарихга эга. Афсоналарга қараганда, у Япониянинг Окинава оролида пайдо бўлган. Шуниси қизиқки, шу оролнинг ўзида «Окинава кўли» номи билан машҳур каратэ-донинг уч йўналиши: Каха-те, Шури-те ва Тамари-телар вужудга келган.

Каратэ-дони кунг-фуга боғладингиз, — деб савол беришингиз табиий. Бунга асосий сабаб эса каратэ-до ҳаракатларининг кўпчилиги кунг-фу ҳаракатларига ўхшашлигидир. Каратэ-донинг ушбу тариқдек тарихини обдон билиб олган ҳар бир болакайда спортнинг бу тури билан шуғулланиш истаги туғилади.

БИР КУНДА УЧТА ҒАЛАБА

Футбол ишқибозларининг Бразилия футболи тарихида ғаройиб воқеа юз берганлигидан хабарлари бўлмаса керак. Машҳур «Гремо» жамоаси бир кунда қаторасига уч учрашув ўтказиб, беш очко олишга муваффақ бўлди. Биринчи ўйин 6:0, иккинчиси 4:3, учинчиси 1:0 ҳисобида якунланди. Қизиғи шундаки, ушбу учрашувларда мураббийлар асосий, ўринбосарлар ва ёшлар жамоалари таркибларидан самарали фойдалана олишган.

БРЮС ЛИНИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Охирлаб бораётган XX аср каратэсининг энг ёрқин юлдузларидан бири Брюс Ли 1973 йил 20 июлда Гонконгдаги уйида сирли алфозда дунёдан ўтади. Ушанда у 32 ёшда эди. Таниқли киноактёр ва спортчининг ўлими турли миш-мишларга сабаб бўлади. Брюс Ли ҳаёти тўғрисида унинг яқин дўсти Чак Норрис ўз китобида қизиқарли ҳикоя қилган. Аммо якунида: «Брюс Ли таблетка ичиб ўлди», — деб ёзади. Кўпчилик бу фикрга унчалик қўшилмайди. Брюс Лининг жасадини текширган шифокорларнинг фикрича, у мия шишидан нобуд бўлган экан... Яна биров уни отиб ўлдирилган деса, бошқаси ўз кучи танасига сиғмаган, дейишади. Хуллас, ҳозирга қадар Брюс Лининг ўлими сирлигича қолмоқда.

ЯНА БИР РЕКОРД

Хитойлик йигирма тўрт ёшли Ванг Цузян Хой янги жаҳон рекордини ўрнатди. У 70 килограмм вазн тоифасида учинчи уринишда 163 килограммлик штангани кўтарди. Ван Атланта олимпиадасида ҳамюрти Чжан Хугана эришган натижа (162,5 кг)ни ярим килога янгилашга эришди.

РАМАРИО КИНОДА

Футбол ишқибозларига машҳур Рамариони таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Сўнгги пайтларда Рамарио кино соҳасида ҳам ном чиқаришни истаб қолди. У англиялик тўққиз карра «Оскар» мукофотини олган таниқли режиссёрнинг «Футбол» фильмида бош қаҳрамон бўлиб суратга тушмоқчи. Қани кўрайлик-чи, таниқли футболчи бу вазифани нечоғлиқ уддасидан чиқаркана.

СПОРТЧИ МИЛЛИОНЕРЛАР

Жаҳонга донги кетган спортчилар реклама шартномалари ҳисобига ўз даромадларини кўпайтирмоқда. Баскетбол юлдузи Майкл Жордон дунёдаги энг бой спортчи ҳисобланади. Бироқ 35,9 миллион долларлик йиллик даромадининг бир қисмигина баскетбол орқасидан келади.

БИР КЕЧА КУНДУЗДА

Маълумки, спортнинг турлари ниҳоятда кўп. 36 ёшли француз спортчиси Жон Буссике Англияда Бэлкберн шаҳри четида юриш юзасидан рекорд ўрнатди. У марафон усулида бир кеча-кундузда 264 километр масофани босиб ўтди. У бу юришни шанба куни кундузи бошлаб, туни билан юрди ва якшанба куни эрталаб тугатди.

МАРАДОНАНИНГ ХУШТОРЛАРИ

Марадона Европа қитъасида тўп сурган даврида энг хушрўй аёллардан жами 12.000 хуштор орттирган. Шулардан энг обрўлиси Аргентинанинг Панамадаги элчисининг хотини бўлган. Диего Армандо Италиядаги хушторларидан кўпчилигига кайфи шира вақтида спиртли ичимликлар истеъмол қилишни буюрган. Статистик тахминларга қараганда, у йиллик даромадининг 7 фоизини фақат хушторлари учун сарфлаган.

ЭНГ ИРОДАЛИ СУЗУВЧИ

Машҳур америкалик сузувчи қиз Гэйл Мириам Хьюзнинг номи бугунги кунда барчага яхши таниш бўлиб қолди. Негаки, у Кичик Диомид оролидан (АҚШ) Россиянинг Ратманова оролигача сузиб ўтиб, қийинчилик билан бўлса-да, Беринг бўғозини забт этди.

СПОРТ — БУ ЖАСОРАТ ДЕГАНИ

Монреал олимпиадасида киевлик таниқли спортчи В. Борзовга юз метр масофага югуриш мусобақаси бошланмасидан анча олдин телефон орқали дўқ-пўписа қилинади. «Яхшиликча майдонга чиқмай қўя қол, бўлмаса, снайпер ишга киришади». Бу сўзларга чидолмай қони қайнаб кетган спортчи оғир жароҳатини ҳам унутиб, стартга чиқади ва беллашувнинг бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлади.

МУРАББИЙ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Германия чемпионати бундеслигаси тугашига бор-йўғи икки тур қолганида «Гамбург» бош мураббийси Феликс Магат лавозимидан четлатилди. Клуб Президенти Уве Зелернинг бундай қатъий қарорга келишига жамоа жадвалининг энг сўнгги 15-ўринда бораётганлиги сабаб бўлди.

ЭКС ЧЕМПИОН УЙЛАНМОҚЧИ

Ралли бўйича жаҳоннинг экс чемпиони — «Субору» командаси пешқадами Колин Макрей кўз остига олган Элисон Гамилтон исмли ниҳоятда гўзал қизга уйланмоқчи бўлиб юрибди. Насиб этса, уларнинг никоҳ тўйлари яқин кунлар ичида бўлиб ўтса керак.

Хорижий матбуот хабарлари асосида Улуғбек ЖУМАЕВ тайёрлади.

«МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ»

(13-19 октябрь кунлари учун)

ДАЛВ (21.01-18.02) ойида туғилганлар учун бу ҳафтанинг аввалги тўрт куни омадли, қолгани нахс аралаш келиши кутилур. Шунинг учун ҳафта бошида савдо-сотиқни кучайтириш, шартномаларга қўл қўйиш, хизмат сафарига чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ҲУТ (19.02-20.03) ойида туғилган учун ҳафта омадли келиши кутилур. Айниқса, савдо-сотиқ ишидан катта ютуқларга эришиш эҳтимол қилинур.

ҲАМАЛ (21.03-20.04) ойида туғилганлар учун ҳафта тинч ўтиши кутилур. Сафарга чиқиш, маъракалар ўтказиш, раҳбарлар ҳузурига кириш ҳам кўзланган натижаларни бериши мумкин. Ҳафта давомида кутилмаган учрашувлар ва сафардаги яқин кишиларни учратишлари ҳам кутилур.

САВР (21.04-21.05) ойида туғилганлар учун бу ҳафта нахс келиши кутилур. Ҳафта давомида эҳтиёт бўлинмаса кўчада ёки ишхонада нохуш ҳодисаларга учраб аъзоларидан бирининг лат ейиши эҳтимоли бор. Яқин кишиси билан бир қанча вақтгача айрилиққа учраши, ишхонада баъзи бир келишмовчиликларга дуч келиши мумкин. Оилада бироз молиявий қийинчиликлар рўй беради. Бевабечораларга ёрдам қўлини чўзсалар, ўтганлар руҳини шод этиш учун дуою фотиҳалар қилсалар барча нохушликлар чекингай.

ЖАВЗО (22.05-21.06) ойида туғилганлар учун бу ҳафта оддий кунлардан иборат бўлиши эҳтимоли бор. Ўз соғлиғи билан шуғулланиш ва фарзандлари тарбиясига алоҳида эътибор бериш кўп фойдали бўлур. Илмли кишилар билан суҳбатда бўлиш, ота-она, қариндошларни зиёрат қилиш, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш ишларининг юришиб кетишига олиб келгай.

САРАТОН (22.06-22.07) ойида туғилганлар учун бу ҳафта тўла нахс келиши кутилур. Ҳафтанинг бошидан соғлиқнинг ёмонлашуви, кайфиятнинг бузилиш ҳоллари содир бўлиши мумкин. Оила ва ишхонада кўнгил хираликларга дуч келурлар. Яхши юриб, яхши турсалар нохушликлар олди олинур.

АСАД (23.07-23.08) ойида туғилганлар учун ҳафта омадли келиши кутилур. Оила даромадига катта маблағ тушгай. Ишхонада лавозими кўтарилиш ҳоллари эҳтимол қилинур. Ҳафта давомида ота-она ҳурматини жойига қўйиш, дуоларини олиш ҳам кўплаб омадлар келтирур.

СУНБУЛА (24.08-23.09) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг аввалги икки куни омадли, қолганлари нахс аралаш келиши кутилур. Шунинг учун барча ишларни ҳафтанинг аввалги кунларида бажариб олган маъқул.

МЕЗОН (24.09-23.10) ойида туғилганлар учун ҳам бу ҳафта омадли келиши кутилур. Шу кунлари режадаги барча ишлар билан шуғулланиш мумкин. Айниқса, савдо-сотиқ, илмий ишлар кўп муваффақиятли бўлур. Мазкур ҳафтада ёшлар учун муҳаббат борасида омадлари чопур, яъни улар келажак умр йўлдошларини топгайлар.

АҚРАБ (24.10-22.11) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг боши нахс, қолгани омадли келиши кутилур. Шунинг учун ҳафта бошида иложи борича бирор жиддий ишга қўл урмай турган маъқул. Хусусан, савдо-сотиқ ва сафарга чиқишдан сақланиб турмоқ тавсия этилур. Хайрия ишлари билан банд бўлмоқ маъқул.

ҚАВС (23.11-21.12) ойида туғилганлар учун ҳафта оддий кунлардан иборат бўлиши кутилур. Савдо-сотиқ ва бошқа ишларни бемалол ўтказишлари мумкин. Қариндош-уруғлар, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш, ўтганлар руҳига тиловатлар ўқиш барча ишларининг юришиб кетишига замин бўлгай.

ЖАДИЙ (22.12-20.01) ойида туғилганлар учун ҳафта нахс аралаш келиши кутилур. Ҳафта давомида ота-оналарни зиёрат қилиш, уларнинг хизматида бўлиш келажак ҳаёт учун фойдали бўлур.

Валлоҳу Аълам.

"ЗАРБУЛОҚ-ИНВЕСТ" ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ

МАНФААТ КЎРАЙ DЕСАНГИЗ!

Zarbuloq Invest

"Зарбулоқ-Инвест" хусусийлаштириш инвестиция фонди томонидан меҳнаткаш халқимиз ихтиёрига чиқарила бошланган акцияларни сотиб олишни ёдингиздан чиқарманг. Ҳар бир акция баҳоси 100 сўм. Лекин унинг қиммати давлат томонидан бериладиган актив билан ҳисобланганда 600 сўмни ташкил этади.

"Зарбулоқ-инвест"нинг Устав фонди 100 миллион 200 минг сўм миқдорида рўйхатдан ўтди.

"Зарбулоқ-инвест" акцияларига ихлос қўйсангиз камлик кўрмайсиз.

Акцияларни халқ банки ва Турон банкининг барча бўлимларида ҳамда Республика Биржа Марказида -**"Правда Востока" кўчаси, 10-уй, 10-хонада (ички тел:248)** жойлашган фонд дўконидан сотиб олишингиз мумкин.

Бехавотир ва беминнат даромад келишини хоҳласангиз, марҳамат, "Зарбулоқ-инвест" акциясини харид қилинг!

"ЗАРБУЛОҚ-ИНВЕСТ" ХИФ "ИШОНЧ-ДИЛЕР" БОШҚАРУВИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ — ИШОНЧ

Бош муҳаррир:
Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖАНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАҒАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ХОЖИҚУЛОВА, Х.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85-66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, "Правда Востока" кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-2. ҳажми 2 босма табоқ